Ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
23-iyun
chorshanba
№ 26 (1242)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ www.uzhurriyat.uz ✱ gazhurriyat@mail.ru ✱ t.me/hurriyatuz ✱ Hurriyat gazetasi

МУНОСАБАТ

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН ЭЗГУЛИК

Бир пайтлар Тошкент ўзининг азалий меҳмондўст, тинчликсевар муҳити билан бирга, бир неча қитъалардаги киноижодкорларни бирлаштирган халқаро фестивали билан ҳам машҳур бўлган.

Аслида, жаҳонда кинематография соҳасида фестиваллар кўп. Лекин Осиё, Африка, Лотин Америкаси киночилари, санъаткорларию олимларини бир жойда жамлаган Тошкент халқаро кинофестивалининг руҳи, эзгу миссияси, мақсад-муддаоси ўзига хос ва такрорланмас бўлган, десак муболаға эмас. Жаҳон кино жараёнида нуфузли ва етакчи ўрин тутган ушбу фестиваль экран асарларида улуғланган ғояларнинг тинчлик, тараққиёт, ҳамжиҳатлик, инсонпарварликдек эзгу ғояларга йўналтирилгани билан диққатга сазовордир.

Илк марта атоқли кинорежиссёр Комил Ёрматовнинг "Осиё устидаги бўрон" картинаси билан бошланган мазкур фестиваль ўзбекистонлик ижодкорларнинг экран асарларини дунёга танитишда, киночиларнинг ўзаро мулоқотида, санъат ихлосмандларини жаҳон киносидаги ижодий жараёнлар билан таништиришда муҳим аҳамият касб этгани кўпчиликка яхши аён. Замонанинг ҳар қанча мураккабликлари бўлмасин, ўзбек киночиларининг энг сара фильмлари айнан ўтган асрнинг 60-80- йилларида тасвирга олинган, десак янглишмаймиз. Назаримда, Тошкент халқаро кинофестивалидек йирик миқёсдаги ижодий лойиҳа киночиларнинг янада тўғри йўналишда фаолият кўрсатишида ўзига хос маёқ вазифасини бажарган.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 19 июндаги "Тошкент халқаро кинофестивалини қайта тиклаш ва ўтказиш тўғрисида"ги қарори миллий кино санъатининг асрий анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш, ушбу санъат тури орқали мамлакатлар ўртасидаги дўстлик, биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, халқаро миқёсда ижодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Айни пайтда 1968-1997 йиллар давомида Ўзбекистонда ўтказилиб келинган "Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг Тошкент халқаро кинофестивали" "Ипак йўли дурдонаси" Тошкент халқаро кинофестивали номи билан қайта тикланиб, 2021 йилдан бошлаб ҳар йили сентябрь-октябрь ойларида Тошкент шаҳрида ўтказилишига оид ташаббус ижодкор зиёлиларга, санъатсевар халқимизга манзур бўлгани аниқ!

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

ЎЛМАС САТРЛАР



Тилак ЖЎРА

ЎЗИМНИНГ ОВОЗИМГА

Палаклар остига беркиниб,
Офтобни, ойни кўрмай,
Кўзларни яшнатиб,
Лабларни сўрмай
Заҳил бўлган қовундай
Кўп ҳам беркинма менинг бағримга:
Осмондай ёрил сен!
Бу борлиқ садога қорилсин,
Менинг-да умидим ёрилсин,
Кўп ҳам беркинма менинг бағримга!
Бу ёруғ дунёда
Аламлар беркинар,
Армонлар беркинар,
Дармонлар беркинар,
Сен Ватансан барига,
Ахир, Ватан қандай беркинар?!
Кўп ҳам беркинма менинг бағримга!
Нафасим бўл, йўлимда бўлгин,
Рўмолчадай ғижимлай сени.
Фақат менинг қўлимда бўлгин!
Майли, сени кўтариб юрай;
Имон бўлгин, бўғзимда бўлгин!
Нафрат бўлгин, кўзимда бўлгин,
Фақат менинг ўзимда бўлгин,
Кўп беркинма менинг бағримга!

1982 йил.

МУЛОҲАЗА

Муаммо бор, гап ечимини топишда

Жамиятимиз ривожида муҳим ўрин тутадиган оммавий ахборот воситалари, уларда меҳнат қилаётган кўп минг сонли журналистларнинг бугунги фаолияти, серқирра ижодлари ҳақида қанча гапирсак, ёзсак, фикр билдирсак шунча кам. Чунки бу машаққатли меҳнат соҳибларининг зиммаларидаги масъулиятлари, шарафли касбларига масъулликлари, ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкин, шифокор ёки педагогларникидан қолишмайди.

Кейинги пайтларда мамлакатимиздаги мавжуд журналистика факультетлари мутасаддилари томонидан мамлакатимиз ОАВлари учун етук журналист кадрлар тайёрлаш, уларнинг ўқишлари, амалиётлари билан боғлиқ муаммолар хусусида муҳокама қилиш, амалий хулоса чиқаришга оид турли анжуман, йиғинлар ўтказилаяпти.

Бугун шиддат билан кечаётган глобаллашув жараёнлари ижтимоий ҳаётимиздаги энг масъулиятли соҳалардан бири бўлган журналистика ва оммавий коммуникацияларга ҳам ўз таъсирини ўтказмасдан қолмади. Очиғини айтиш керак, бугунги журналистика ва журналистик таълимнинг мазмун-моҳияти бундан 8-10 йил олдингисидан тубдан фарқ қилади. Кейинги йилларда истилоҳимизга интернет журналистикаси, онлайн журналистика, дата журналистика, тревел журналистика, бренд журналистика, дигитализация, конвергенция сингари янги атамалар кириб келдики, уларнинг ҳар бири кўриниши, ўрни, аҳамияти, ўзига хослиги билан алоҳида мазмун-моҳият касб этади.

Бугунги оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ходимларнинг журналистикадаги ана шу янги йўналишларни чуқур ҳис қилган ҳолда ижодларига атрофлича татбиқ қилишларига тўғри келаётган бўлса, мақсади соҳа учун малакали мутахассислар тайёрлаш бўлган олий таълим муассасаларидаги журналистика факультетлари олимлари — устозлар ҳам янги, жўшқин ҳаёт — ижод оламига энди кириб келаётган шогирдларига янги тамойиллар, янгича шакл, янгича мазмун, янгича кўриниш, янгича руҳда сабоқ беришлари талаб этилади.

4-б.

АКС-САДО

"БИЗ КЕРАК БЎЛГАН ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!"

Кўрарга кўз, тан олишга сўз бўлса кифоя

Газетамизнинг 2021 йил 16 июндаги 25-сонида эълон қилинган "Қидирув: "Зулфиячи"лар, қаердасиз?!" сарлавҳали мақола жамоатчилик орасида қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Бу борадаги баҳс-мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Мақолада Зулфия номидаги Давлат мукофоти ва бошқа турли мукофотларни қўлга киритган айрим хотин-қизлар тақдирлангач, "йўқ бўлиб қолиши", орамизда турли иллатлар сабаб ана шундай юксак эътирофга лойиқ-нолойиқ талабгорлар кўпайиб кетаётгани, натижада баъзан чинакам иқтидорларнинг, илм-маърифатли ёшларнинг тақдирланмай қолаётгани ҳақида сўз юритилган эди. Ана шу мақола юзасидан келган муносабатлардан бири эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Хитоб билан ёзилган сарлавҳадан ўтиб, мақолани ўқишга киришар эканман, унда аллақандай куюнчакликни сезгандай бўлдим, бироқ бу "ватанпарварлик" эканлигига шубҳа уйғонди менда. Гарчи менинг номим "қидирув"дагилардан ташқари тилга олинган бўлса-да, жамиятнинг энг олди қизларига, уларнинг бугунги қадр-қимматига кетма-кет қаратилган турли иддаолардан, очиғи, анча беҳузурлик туйдим. Афсуски, муаллифнинг таъналари мукофот ортига "беркинган" Зулфия қизларигагина эмас, балки қалбидаги милтиллаган чўғни ловуллатган, озгина иқтидорига катта рағбат берган, юксалиш учун янги имкон эшикларини очган ва албатта, эртага лидер бўлиб, тўртта юрт боласини ортидан эргаштиради, деган ёруғ умидга, ишончга сазовор бўлган мукофотга лойиқ совриндорларга ҳам "тегиб" ўтди.

2-б.

ИККИНЧИ ФИКР

ТАРИХНИНГ ОҚАРМАГАН СОЧЛАРИ

ёки уй-музей очишнинг муздай ташвишлари

- **Музейлар тарихий сукутдами?**
- **Пушкин ҳалок бўлганида юришдан тўхтаган соат.**
- **40-50 йиллик бўшлиқ...ми?**
- **Музейлар электрон бўлса...(Худо сақласин!)**

Қуйида музейлар — тарихимиз кўзгуси ҳақида мушоҳада юритилади. Чунки музейларда миллатнинг қиёфаси бор ҳолича акс этади. Биз уни ўзимизнинг хоҳишимизга монанд ўзгартира олмаймиз. Музейлар сабаб жуда олис замонларга саёҳат қиламиз, ўтмишга қайтамиз. Бугун газета ўқиш, кутубхонага кириш, театрга тушиш гўёки "эскирган", урфдан қолган бир замонда музейларимизнинг эшигида кимдир борми? Дунёнинг машҳур музейларидан экспонатларини ўғирлаш ҳалиям давом этаётган бир асрда Ўзбекистонда музейларнинг аҳволи руҳияси қандай? Улар ўзларининг тарихий сукутлари ичига чўкиб кетишмаганми?

Қуйида асосан уй-музейлар тўғрисида. "Уй-музей" номи одатда ёдгорлик функциясини назарда тутади. Типологик уй-музейлар фақат 1980 йилларда пайдо бўла бошлади. Россиядаги биринчи ёдгорлик уй-музейи 1726 йилда Нарвада (Луда уйи) Буюк Пётр хотирасига очилган.

1980 йилларнинг охирига келиб Россияда 130 дан ортиқ уй-музейлари бўлган. Музей уйлари хаёлий персонажлар музейлари тури ёки уларнинг прототиплари билан чамбарчас боғлиқ.

8-б.

ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

ҚИЗИҚҚОНЛИК БАЛОСИ

Шундай инсонлар борки, арзимаган муаммони деб бир-бирининг дилини хуфтон қилиш билан бирга ҳатто қотилликка ҳам қўл уришдан тоймайдилар.

Айтмоқчи бўлганимиз Ориф ҳам онаси, бобоси, катта онаси, холаси ва холасининг фарзандлари билан биргаликда катта ҳовлида яшаб келарди. Чунки ота-онаси қонуний ажрашмаган. У туғилганидан буён отаси билан бирга яшамасди. Онаси руҳий оғир касал, 2-гуруҳ ногирони...

Ориф Оқдарё тумани, "Чорбоғ" маҳалласидаги "Pure-milke" МЧЖга ишга кирди. Бўш вақтларида эса шахсий "Дамас" русумли автомашинасида "Янги-работ-2" маҳалласининг ички қишлоқларига йўловчиларни ташиш билан шуғулланди.

Кунларнинг бирида Ориф Уклон қишлоғининг кириш йўлида йўловчи кутиб турарди. Шу пайт Уклон қишлоғида яшовчи Шоҳид "Нексия" русумли автомобили билан келиб қолади. Иккала ўртада йўловчи масаласида келиб чиққан тортишув ўзаро жанжалга айланиб кетади.

— Сени олдин одам ташиганингни кўрмаганман. Янгимисан, ўзингни босиб ол! — деди Шоҳид Орифга ўшқириб. Иккаласи ҳеч муросага келмади. Шоҳид Орифни куракда турмайдиган сўзлар билан ҳақоратлаб, ёқасидан олиб, ҳақоратлай бошлади.

Жасур исмли "Дамас" ҳайдовчиси йўлдан ўтаётиб, воқеа жойидан чиқиб қолади. Уларга йўловчи устида тортишмасликни, йўл ҳамманики эканлиги, ҳеч кимнинг шахсий "томорқа"си эмаслигини тушунтиришга ҳаракат қилади. Вазият бироз юмшаб, "қаҳрамон"ларимиз тарқалишади.

Лекин Орифга Шоҳиднинг ҳақоратлари алам қилди. Шунинг учун бу йигитни яқиндан билиш мақсадида таниши Шокирнинг ёнига бориб уни обдон суриштирди. Иккалови Уклон қишлоғига кириб кетадиган йўлга боришди. Шу ерда турган бир кишидан Шоҳид исмли бола кимлигини сўрашди.

2-б.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ ФАОЛИЯТИДАН

“ВАТАНПАРВАР”ДА БАЙРАМ

Жорий йилнинг 19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Наманган вилояти кенгаши томонидан 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ташкилотга қарашли спорт комплексида техник ва амалий спорт тури бўлган “ўқ отиш” бўйича вилоят биринчилиги мусобақаси ўтказилди.

Мусобақанинг якуний натижаларига кўра 1-ўринни вилоят телерадиокомпанияси тасвирчиси Д. Мусаев, 2-ўринни Наманган вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси бошлиғи А.Эргашев ва 3-ўринни Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг вилоят бўйича фотомухбири Х.Мамадалиевлар эгалладилар. Ғолибларга “Ватанпарвар” ташкилотининг қимматбаҳо эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Шунингдек, байрам муносабати билан, “Ватанпарвар” ташкилотининг фаолиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишида ўзаро ҳамкорликдаги амалий ишлари учун вилоятда фаолият олиб бораётган 64 нафар журналист, газета ва журналлар муҳаррирлари, фото-видео тасвирчилар ҳам қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Ушбу спорт комплексида янги ташкил этилган спорт иншоотидаги шароитлар меҳмонларга таништириб борилди ва уларда спортга бўлган қизиқиш уйғониб, кейинчалик ҳам яна мусобақалашиш фикрини билдиришди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Наманган вилоят бўлими.

АДЛИЯ БОШҚАРМАСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Бухоро вилоят Адлия бошқармасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 8 июндаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони мазмун-моҳиятига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда вилоят ва Республика оммавий ахборот воситалари вакиллари, тармоқ мутахассислари иштирок этдилар. Тадбирда мазкур фармонда белгиланган вазифалар бўйича Адлия идоралари зиммасида турган чора-тадбирлар хусусида сўз борди.

Вилоят Адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Анвар Рўзиев фармоннинг мазмун-моҳияти ва халқ хўжалигидаги ўрни тўғрисида батафсил тўхталди. Таъкидланганидек, юртимизда ер ва бошқа мол-мулк, улар эгалиги, ижараси билан боғлиқ муносабатлар амалдаги қонунчиликка мувофиқ тартибга солинади. Ер участкаларини ажратишнинг барча учун тенг, шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган тартибини жорий этиш, ерга оид мулкий ва ҳуқуқий муносабатларда барқарорликни таъминлаш, ерларни муҳофаза қилиш, ер эгаларининг мулкий ҳуқуқларини кафолатлаш, шунингдек, ернинг иқтисодий қийматини белгилаш орқали уни фуқаролик ҳуқуқий муомаласининг объекти сифатида эркин муомалага киритиш фармоннинг асосий мақсади эканлиги айтилди.

Матбуот анжуманида Адлия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган “Фермерга мадад” ҳуқуқий акциясини ўтказишдан мақсад ва уни амалга ошириш тартиби ҳақида ҳам тўлиқ маълумот берилди.

Матбуот анжумани якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Бухоро вилоят бўлими.

ШАҲРИСАБЗДА ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Фикрлар, ғоялар ва лойиҳалар бирлашган жойда мақсад пайдо бўлади. Эзгу ва хайрли мақсад эса юрт тараққиёти ва равнақига хизмат қилиши шубҳасиз. Шаҳрисабзда ўтказилган “Биз Амир Темур авлодлари, унга издош бўламиз!” шиори остидаги “Янги Ўзбекистон ёшлари, бирлашайлик!” ёшлар фестивалида иштирок этган ўғил-қизларни ҳам бир мақсад ва маслак бирлаштирди.

Фестивалда миллий ва бадиий кўргазмалар намойиши кўзларни қувнатган, дилларни яйратган бўлса, ёш спортчиларнинг кураш, бокс, камондан ўқ отиш, бадиий гимнастика, стол тенниси, шахмат, армрестлинг, тош кўтариш, бадминтон спорт мусобақалари ҳақиқий маънода баҳодирлар жангига айланиб кетди. Вилоят ҳокими соврини учун ўтказилган киберспорт ўйинлари ва Яккабоғда бўлиб ўтган от спорти мусобақалари ҳам ёшларимизни нафақат спортга бўлган иштиёқини оширди, балки улар руҳиятида мардлик ва жасорат каби туйғуларни уйғотди. Мусобақаларни вилоят ҳокими Зойир Мирзаев табрик сўзи билан очиб, полвонларга омадлар тилади.

Амир Темур тарихий майдонида ёшлар фестивали дастуридан ўрин олган миллий таомимиз ҳисобланган палов тайёрлаш мусобақасида 5 та дошқозонда 20 килодан ош дамланди. Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро ва Жиззах вилоятлари услубларида тайёрланган ошни ҳакамлар ҳайъати юқори баҳоладилар.

Фестивалда “Раҳбарлар ва ёшлар” мулоқоти жуда қизғин савол-жавоб ва фикр-мулоҳазалар руҳида ўтди ҳамда унда кўплаб йигит-қизлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар. Ушбу мулоқотни вилоят ҳокими Зойир Мирзаев ва Ёшлар ишлари агентлиги раҳбари Алишер Саъдуллаевлар олиб боришди.

Ёшлар анжумани доирасида туман ва шаҳарлар ёшларидан иборат жамоалар “Заковат” интеллектуал беллашувида иштирок этишди.

Фестиваль якунида вилоятдаги ўз йўналишида энг фаол ва бир қатор ютуқларни қўлга киритган ўғил-қизлар пул мукофотлари билан тақдирланишди. Хусусан, “Қўрқма” романи муаллифи, қашқадарёлик Жавлон Жовлиев 30 миллион сўм пул мукофоти билан тақдирланган бўлса, 16 та нуфузли хорижий ОТМга ўқишга кирган Шуҳрат Йўлдошевга Қорабайир зотли от совға қилинди. Ёшлар фестивалини ёритган бир гуруҳ журналистлар турли номинациялар бўйича тақдирланди. Ғолибларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимлиги томонидан 5 миллион сўмдан пул мукофоти берилди.

Ёшлар фестивали якунида Амир Темур тарихий майдонида катта гала-концерт уюштирилди. Пойтахтдан келган санъаткорлар, вилоят бадиий ва фольклор жамоалари иштирокидаги дилрабо куй-қўшиқлар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими.

ҚИЗИҚҚОНЛИК БАЛОСИ

1-б.

Буни қарангки, Шоҳид бу кишининг жияни экан:

— Сен нима учун ўртоғингни етаклаб келдинг? Шоҳид билан жанжал қилмоқчимисан? Чақирайми? — дейди ўшқириб.

— Жанжаллашмоқчи эмасман. У ҳеч бир сабабсиз мени ҳақорат қилди. Ногирон бўлган онамни ҳам куракда турмайдиган сўзлар билан сўкканига жаҳлим чиқди, — дея Ориф вазиятни тушунтирган бўлди.

Барибир Орифнинг ҳовури босилмасди. Тушдан сўнг қишлоқдоши Шоакбарга қўнғироқ қилиб, ундан ҳам уклонлик Шоҳидни суриштиради. Шоакбар Шоҳиднинг мактабдоши бўлиб чиқади. Бўлиб ўтган воқеани гаплашиб олишгач, улар йиғилиб, муроса қилишга келишишади.

Улар Орифнинг автомашинасига ўтириб Уклон қишлоғидаги 36-сонли мактаб ёнида тўхташади. Уларнинг ортидан Жасур ҳам хабар топиб етиб келади.

Ҳамма тўплангач, бир-галикда Шоҳиднинг ҳовлисига кириш жойига боришади. Шокир Шоҳидни уйидан чақириб чиқди. Шоҳид автомашинанинг орқа ўриндиғига ўтирди.

— Нима сабабдан онамни ҳақорат қилдинг? Отангни чақир, бу ҳақида айтаман! — деди Ориф унга.

— Отамга айтиб нима қиласан? Мени нега сенлаяпсан ўзи? Бешигимни тебратганмисан? — деди Шоҳиднинг жаҳли чиқиб қўлларини мушт қилганича.

— Ўзимизни укамиз бўлади, жанжаллашманглар, — деди Шокир Шоҳидга.

— Укахонинг ўзидан кетиб қолган! — дея Шоҳид автомашинадан тушиб кетди.

Шундан сўнг Жасур автомашинасини ҳайдади. Улар асфальт йўлга чиқишди. Шоҳид ҳам ўртоғи билан шу ерга чиқиб келди.

Тўсатдан яна жанжал бошланиб кетди. Улар бир-бирини аёвсиз калтаклаб кетишди. Ориф Шоҳиднинг юзига урганида, у ерга гурсиллаб йиқилди. Бурни қонаб, кўзлари очиқ бўлса-да, аммо гапирмасдан беҳуш бўлиб қолди.

Қўрқиб кетган Ориф дарҳол Шоҳиднинг бурнини футболкаси билан артди. Қон тўхтамасди.

— Келинглар, ёрдам беринглар! — дея томошабин бўлиб турган йигитларни чақирди.

Шу пайт Шокир ва Шоакбарлар келиб, Шоҳидга ёрдам кўрсата бошлади. Атрофда юрган мактаб қоровули ҳам воқеа жойига етиб келди. Ориф эса машинага ўтириб, ҳовлиққанча қочиб кетди. Шокир билан Шоакбар жароҳат олиб, беҳуш ётган Шоҳидга ёрдам беришга ҳаракат қилишарди.

Кимдир Шоҳиднинг тилини тортди, ким бўлса юзига сув сепди, хуллас, ҳар ким қўлдан келганча Шоҳидга ёрдам кўрсата бошлади. Аммо у ўзига келмади.

Шу пайт Шоҳиднинг опаси Манзура келиб қолди. Жигарининг қонга беланиб ётганини кўриб, Манзура атрофдаги болаларга бақира кетди. Қоровул унга укасини урган бола қочиб кетганини айтди. Бироздан сўнг Шоҳиднинг отаси етиб келиб, ўғлини шифохонага олиб борди. Шоҳиднинг аҳволи оғирлашиб, тиббиёт бирлашмасига етиб боргунича жони узилди.

Мана, оддий гап-сўз, бўлмағур тортишувнинг оқибати ўлим билан якун топди. Шунинг учун халқимизда “Гап қувган балога йўлиқади”, деган нақл бежиз айтилмаган экан-да.

Суд Ориф Саидазимовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 3-қисмининг “д” бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топиб, 9 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Йўловчи талашиб, жанжаллашган Ориф энди умрининг 9 йилини панжара ортида ўтказади. Шоҳид эса минг афсуски энди йўқ...

Илёс ДОНИЁРОВ,
жиноят ишлари бўйича Оқдарё туман судининг раиси,
Хонбиби ҲИММАТ қизи,
журналист.

“БИЗ КЕРАК БЎЛГАН ҲАММА ЖОЙДА БОРМИЗ!”

Кўрарга кўз, тан олишга сўз бўлса кифоя

1-б.

Нима бўлганда ҳам, муаллифга ва севимли “Hurriyat”имизга раҳмат айтадиган иш бўлибди. Бундай хулосага келишимнинг ўз сабаби бор. Ва мен “ватанпарвар” муаллифнинг “Зулфиячилар қаердасиз?” деган саволига қуйида биргина фарғоналик совриндор қизлар “манзил-макони”ни кўрсатиш орқали жавоб беришга уринаман.

Айтиш жоизки, “зулфиячи” деган сўз тилимизга мослашиб кетган ғализлик. Ҳар нечук қийин бўлмасин, қанчалик беўхшов туюлмасин, бизга “Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари” ёки “Зулфия қизлари” деб юзланиш — энг мақбули, назаримда.

Муддаога қайтсак, Зулфия номидаги Давлат мукофотининг 2000 йилги илк фарғоналик совриндори Дилфуза Абдуллаева (айни пайтда Содиқова) қарийб 20 йилдирки, умумтаълим мактабида меҳнат қилади. Фаолиятини Марғилон шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида инглиз тили ўқитувчилигидан бошлаган Дилфуза айни пайтда мактаб директорининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, олий тоифали педагог. 2016 йилда “Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги” кўкрак нишони билан тақдирланган. Вилоятда ёшлар, таълим, хотин-қизлар йўналишидаги ҳар бир муҳим тадбир борки, Дилфуза Содиқова етакчилар сафида туради. Иқтидорли Зулфияхоним қизи ўз ҳаётий принципларига эга аёлга, бир неча хорижий тилларни ўзлаштирган замонавий педагогга айланди. Халқи ҳам кўпчилик хотин-қизларга ўрнак. Лекин бирор марта кўкрак кериб минбарга интилганини (муаллиф иддао қилганидек), тадбирларда баландпарвоз сўзларни айтиб, оғиз тўлдиргани билмайман.

2002 йилги совриндор Нафосат Ўсарова Фарғона вилояти Тошлоқ тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлимида бош мутахассис, тумандаги аёллар етакчиларидан бири. “Меҳр-саховат” кўкрак нишони соҳибаси. 2006 йил мукофотга лойиқ кўрилган Дилёра Исмоилова эса бу йил Фарғона давлат университети магистратура бўлимини тамомлади. Рус, инглиз ва тожик тилларида эркин мулоқот қилади. Фаол меҳнат фаолиятига қайтмаётганининг энг хайрли сабаби бор, у ҳозир она сифатида фарзандига ва оиласига кўпроқ керак.

Фарғоналик Зулфияхоним қизлари сафига 2008 йилда қўшилган Нозимахоним Холиқова Шарқшунослик институтида таҳсил олган, араб адабиёти танқидчиси, ўзбек, тожик, рус, инглиз ва араб тилларини билади. Унинг қачонлардир “ойнаи жаҳон” ёки газета саҳифаларидан тушмаган номи бугун кўзга ташланмаётган бўлса, уни “қидирув”га беришдан аввал, сўроқлаб қўйишнинг ўзи кифоя эди. Нозимахоним маърифатли она сифатида беш фарзандини улғайтириш баробарида уларга ўша ўзи билган беш тилни ўргатмаяпти, деб ким айта олади?

Мукофотнинг 2005 йилги совриндори Наргиза Охунованинг дилбар сатрлари республика адабий муҳитида ҳам алоҳида эътироф қозонган. Ижод намуналари “Шарқ юлдузи”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталарида чоп этилган. Эътиборлиси, шоира мукофотни қўлга киритганида атиги бир дона — “Кўнглим” номли шеърий китоби чоп этилган эди. Ўтган йиллар давомида иккинчи – “Сўзтумор” китоби ҳам нашр этилди. Ҳозир “қаерда”лигини сўроқласангиз, пойтахти азимда, ёш олим бўлмиш турмуш ўртоғининг илмий изланишларига кўмакчи, нуридийдаларининг тарбиячиси. Аслида, бахтнинг қаймоғи уларда эканлигини наҳот англаш қийин бўлса?!

2009 йилги совриндор дугонам Шаҳноза Давлатова анъанавий ижрочиликнинг моҳир ижрочиси. Давлат мукофоти совриндориман, деб пойтахтга интилмади, қайтанга Фарғонанинг Фарғона туманидаги чекка ҳудудлардан бирида мусиқа ўқитувчиси бўлиб ишлади, ўнлаб шогирдлари халқаро санъат фестивали лауреати бўлди, вилоятда бир неча бор яккахон-ҳисобот концертини берди. Ҳозир бир елкада оналик юки, бир елкада жамият ичида бўлиш нияти билан тумандаги 37–умумтаълим мактабида ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида меҳнат қилаяпти. Камола Раҳмонова, Нозима Ҳабибуллаева, Паризода Рўзибоева, Зулайҳо Эрматова, Зулфия Мамажонова сингари совриндор қизларнинг қай бирини сўроқласангиз, ўз танлаган йўналишида ўқиётган ёки ишлаётганига гувоҳ бўласиз.

Яна бир совриндор сафдошимиз Сарвиноз Саидхўжаева ҳозир АҚШдаги спорт йўналишдаги олийгоҳлардан бирида магистрант. Динара Мамадибрагимова эса мукофотни қўлга киритгандан кейинги икки йил ичида 3 та халқаро турнир ғолиби бўлганини эшитгандирсиз? У бугун Чирчиқ олимпия захиралари коллежида мураббий. Марғилонлик Нилуфар Абдуғаниева ҳам айни пайтда Андижон вилоятида яшаб, давлат идораларида турли лавозимларда ишлаб келмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академиясининг энг ёш аъзоси Муштарийбегим Қурбонова ҳам бизнинг орамизда. Мукофот олиб ҳам тўхтагани, шижоатни бўшаштиргани йўқ. У тасвирий санъат йўналиши бўйича Осиё ва Европа давлатларида бўлиб ўтган халқаро танлов ва кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиб, Навоий давлат стипендияси совриндори бўлди. Моҳидил Қурбонова эса юксак эътирофдан сўнг илмий-ижодий изланишларини янада кучайтирди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси соҳибасига айланди. Ҳозир Қурбоноваларнинг ҳар иккиси ўзи танлаган йўналиш бўйича магистратура босқичида ўқийди.

Айтганча, Фарғонада яна бир Зулфияхоним қизи бор. У асли наманганлик бўлса-да, аввал пойтахтдаги нуфузли нашрларда, айни дамда вилоятимизда меҳнат қилиб, аллақачон Фарғона қизига айланиб улгурган Севара Алижоновадир. Энг қизиғи, у “Hurriyat” газетасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўйича мухбири. Мақола муаллифи ўз ҳамкасбини журналист сифатида таниб, ўзига хос ижодий фаолиятини эътироф этса-да, унинг бундан ўн йиллар аввал Зулфия номидаги Давлат мукофотини қўлга киритганидан эҳтимол бехабардир, чунки Севаранинг ўзи бу ҳақда “ноғора чалиш” тугул, бир қатра айтиб қўйишни-да нокамтарлик деб билади. Чунки у олган мукофоти билан керилишдан кўра, ёниб ижод қилиш, жамиятга журналист сифатида нимадир бериш ҳақида кўпроқ қайғуради. Энди айтинг-чи, ўзни кўп намоён қилмаслик, ҳадеб “манаман” деявермаслик, алалоқибат “қидирув”га тушиб қолишликка сабаб бўлса, бу не гап бўлди?!

Фарғоналик совриндор дугонамиз Дилноза Каттахонова ўзидаги раҳбарлик қобилияти, лидерлик иқтидорини тўла намоён этиб, бугун Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги раиси ўринбосари сифатида Республика ёшларига йўлбошчилик қилаётир. “Зулфиячилар, қаердасиз?” деб хитоб қилиб, қийналаётган нашр Фарғона қизининг давлат бошқарувидаги ўрнини нега эътироф этмайди, ижтимоий тармоқларда Ўзбекистоннинг энг кучли раҳбар аёллари ўттизталигида турган Зулфияхоним қизини, унинг ёниқ чиқишларини нега олқишламайди?!

Ўзимга келсак, мақола муаллифи ноўрин “миннат қилаётган” имтиёздан фойдаланган саноқли совриндорлардан бириман. Ўз вақтида магистратура таълимини ҳам ўз кучим билан давом эттирдим. Бир дона шеърий китоб муаллифи бўлган чоғимда тақдирланганман (муаллиф айтгандек, 10-15 талаб китоб чиқариш қаёқда дейсиз?). Ўтган ўн йил ичида ҳам 2 та — 2014 йилда “Иқрор”, 2021 йилда “Кўнглимга кўчади фарғонагуллар” номли китобларимни минг истиҳола билан чоп эттирдим. Ҳозир вилоятдаги отахон нашр – “Фарғона ҳақиқати” — “Ферганская правда” газеталарининг махсус мухбириман. Журналист дегани шундоқ ҳам сўзи ва қалами билан борлигини билдириб турадиганлар тоифасидан бўлгани учун уни “қидирув”га бериш шарт эмаслигини муаллиф дўстимиз яхши билсалар керак?

Аслида “қидирув” жараёнида умуман эътиборга олинмаган бир жиҳат борки, уни асосласак, айрим совиндор қизлардаги кечаги фаоллигу, бугунги камнамолик сабабини топамиз. Яъни, Давлат мукофотини қўлга киритган иқтидорли, фаол, ҳар тошни ёриб чиқадиган даражада шиддат билан яшаган қизлар фурсати етиб, оила бекаси, она бўлишини, уларнинг аёл эканлигини, ҳаёт ва жамиятнинг хуш-нохуш тизгинлари уларнинг асосий кучини банд қилиб қўйиши мумкинлиги ҳам унутилгандек бу ерда.

Жамиятда ўз ўрнини топган ва бунга интилаётган (айнан) аёлларга “тош отиш”ни миллий матбуотимиз қандай хуш кўряпти, ҳайронмиз. Бундан бир муддат аввал, республика нашрларидан бирида таниқли шоирамизни пичоққа илинмас иддаолар билан обрўсизлантиришга уринишларини кўриб, (устига-устак эркак муаллиф томонидан), аввало, аёл ижодкор сифатида қаттиқ оғринган эдим.

Мақолада келтириб ўтилган Сенат раисининг сўзлари ҳам тўлақонли эмасдек. Чунки шахсан мен билган фарғоналик совриндор қизларнинг бирортаси давлат ва жамоатчилик йўқлаганида, ташаббусини кутганида ўзини четга олган эмас. Ҳамиша мукофотга муносиб аёл, муносиб кадр бўлишга интилган. Шунга қарамай, нега вилоятимизда Зулфия номидаги Давлат мукофотини олгандан кейинги самарали фаолияти учун юксак орден ва медаллар билан тақдирланган хотин-қизлар йўқлигини биз иддао қилиб айтишимиз керак эмасми? Айтмоқчи бўлганим, совриндорлар давлат ва ҳукуматнинг имтиёз ва рағбатларига “кўмилиб”, босар-тусарини билмай, ҳаволаниб кетгани ёки истеъдоди, зиммасидаги вазифасини унутиб, ўткинчи ҳою ҳаваслар кетидан қувиб юрмаётгани аниқ. Имконсизликлар ичидан имкон топиб элга юзланаётган, курашувчан, ботирюрак дугоналаримнинг ҳаммаси ҳам ўта юксалиб, чақноқ юлдуздай порламаётган бўлиши мумкин, аммо орамизда танлаган, ўзига ишонч билдирилган йўлдан қайтадиган йўқлигига ишончим комил.

Ҳатто Яратган ҳам бандасидан шукроналик, сабр-қаноатли бўлишликни истайди. Шундай экан, нега биз, она заминнинг дилбар навниҳоллари, жамиятнинг яратувчи кучлари, миллат тарбиячилари, ҳаёт давомчилари бўлатуриб, эътибор кутмаслигимиз, юрт ва Юртбошимизнинг эзгу назарига ошиқмаслигимиз керак, бу бизнинг қирқ жонимизга жон қўшади ахир!

Аслида, бугунгача тақдирланган совриндор қизлар орасида юз нафар фидойи ва етакчи аёл етишиб чиқса ҳам, йигирма бир йилки, ўзбек қизлари кучи ва салоҳиятига ишонч рамзи бўлиб келаётган мукофот ўзини оқлагани шу, деб ўйлайман. Давлатимиз ва Президентимизнинг меҳри, эътибори, юксак ишончи бор экан, бу рағбатга муносиб кўрилган юрт қизларининг ҳар бири шу юрт ичида бўлади. Ижод, санъат, маданият, илм-фан, спорт, таълимда ва албатта, жамоат ишларида муносиб юкни елкалашга қодир бўлади. Бунга шубҳа йўқ.

Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА,
Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори (2011 йил),
Фарғона вилояти.

***ТАҲРИРИЯТДАН:** азиз муштарийлар! Мана, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаларидан бири бўлган фарғоналик Д. Қўлдошеванинг “тўлиб-тошиб” ёзган мулоҳазалари билан танишдингиз.*

“Hurriyat” — эркин минбар, унда турли фикр-мулоҳаза, талқин ва мушоҳадалар бўлиши табиий. Қолаверса, ҳар бир фикр яшашга ҳақли деган тамойил нашримизнинг олтин қоидаси ҳисобланади. Ҳолбуки, газетамиз мухбири ёзган мақолада Зулфия номидаги Давлат мукофотини ёки бошқа мукофотларни олган барча совриндорлар номуносиб деган фикр айтилмаган эди. Аммо... яширишга, хаспўшлашга ҳожат йўқ: мукофотни қўлга киритиб, бутунлай “йўқолиб” кетаётганлар ҳам кам эмас-ку! Сўз асосан ана шулар ҳақида эди. Яна шуни айтишни истардикки, аслида гап мукофотда ҳам эмас. Юртимизда ҳар қандай юксак эътирофларга лойиқ, лекин ҳозирча бундай бахтга эриша олмаган, аммо юз чандон ҳар қандай рағбатларга муносиб минг-минглаб хотин-қизлар бор. Улардан ҳар қанча миннатдор бўлсак арзийди...

АЙТГАНЧА

“ARTEL” СУВ ЧИҚАРДИ, ЭНДИ ЙЎЛНИ КИМ ТАЪМИРЛАЙДИ?

Жиззах вилояти, Зомин туманининг олис ҳудудларидан Ўртақишлоқ аҳолиси қарийб 50 йилдан буён тоза ичимлик суви етишмаслигидан азият чекарди. Ўртақишлоқликлар мазкур масала юзасидан турли мутасаддиларга, хусусан, туман ҳокимлиги ва туман “Сув-оқова” давлат унитар корхонасига, ҳатто Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, турли ҳукумат идораларига ҳам мурожаат қилишди. Бу мурожаатлар нафақат ўзбек сегментидаги ижтимоий тармоқларда, балки хориж интернет нашрларида ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлганди. Натижа эса...

— Болаларимиз олис масофадан эшак араваларда сув таширди. Электр қувватининг пасайиши, ундаги узилишлар сабаб маълум соатдагина ишлайдиган артизан қудуғи сувидан олиш жуда қийин эди. Турнақатор навбатлар сафи кун сайин узайиб борди. Ахир, сув — тириклик, сувсиз ҳаёт йўқ! Бир-бир ярим ойда келадиган ариқ сувидан ичишга мажбур эдик. Фарзандларимиз тонг саҳарлаб сувга кетарди. Навбат катталиги сабаб мактабга кечикарди, дарсдан қолишга мажбур бўларди, — дейди қишлоқ аёлларидан Карима опа Абдукаримова.

Бу ҳудудда аҳолининг асосий даромади чорва моллари ҳисобланади. Сув танқислиги, унинг яроқсизлиги сабаб чорва моллари ҳам касалликлар кўпайганди. Бу эса халқнинг турмуш тарзига сезиларли зарар етказган. Ахир, юқумли касалликларнинг 80 фоиздан ортиғи ичимлик суви сифатининг пастлиги ҳамда сув таъминотида санитар-гигиеник қоидаларнинг бузилиши билан боғлиқлигига исбот шарт бўлмаса керак? Зеро, ҳар бир киши санитария меъёрларига амал қилиб, соғлом ҳаёт кечириши учун кунига 50 литр сувдан фойдаланади.

— Қишлоғимизда 70 хонадон бор. Жами 1500 дан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Сув бизда доимо муаммо бўлиб келган. Ҳатто ўтган вақт ичида 68 нафар бола ичимлик сувининг талабга жавоб бермаслиги оқибатида сариқ касал бўлиб, вафот этди. Касалгарчилик кўпайди. Мурожаатларимиз амалий натижа бермади. Сўнг “Artel” компанияси “Шарқ тонгги” туман газетасига ҳомийлик қилаётгани, тумандаги 3-мактабни жорий таъмир этгани-ю ночор оилаларга беғараз ёрдам кўрсатаётганини эшитдик. Қишлоқ аҳли маслаҳатлашиб, компания мутасаддиларига мурожаат қилдик, — дейди мактаб ўқитувчиси Илҳом Худойбердиев.

Маълум бўлишича, жорий йилнинг 31 май куни ўртақишлоқликлар “Artel” компанияси раҳбариятидан мазкур масалада ёрдам сўрашган. Зомин туманидаги “Artel” корхонасига қарашли “Trust Electronics” МЧЖ раҳбарияти эса мазкур ҳолатни ўрганиб, артизан қудуғи қазиш учун 140 метр масофадан электр симлари тортиб келади. Қисқа муддатдан сўнг, қарийб 350 миллион сўм маблағ эвазига 200 метр чуқурликдан ичишга яроқли сув чиқа бошлади. Ва бугун бу артизан қудуғи аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжини тўла қондирмоқда!

— Ёшим 95 да. Тракторчи бўлганман. Эсимни таниганимдан буён қишлоғимизда сув муаммоси бўлган. Артизан қудуғидан отилиб чиқаётган роҳатбахш, ҳаётбахш зилол сувни кўриб, тўғриси, теримга сиғмаяпман. “Artel” компанияси сув чиқариб берди, энди қанийди, ҳокимлик ҳам ҳадеб ваъда беравермасдан, йўл муаммосини ҳал қилиб берса... — дейди Ботир бобо Худойбердиев.

БМТ маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг қарийб 40 фоизи яшайдиган жойда тоза ичимлик суви етишмайди. Афсуски, бу муаммо Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмагани рост. Имкон қадар бу масалани бартараф этиб, хайрия тадбирларини кўпайтириш зарур. Ахир, халқимизда “Сув келтирган элда азиз”, деган нақл бор. Ҳамма замонларда ҳам йўл ва кўприк қурган, қолаверса ичимлик суви чиқарган инсонларнинг одамлар орасида қадри баланд бўлган.

Қишлоқ аҳли энди абгор ҳолатда, ўйдим-чуқур қишлоқ йўлларига ҳам эътибор қаратилишидан умид қилиб яшаяпти. Аммо Зомин тумани мутасаддилари кутилганидек сукутни яхши кўришмоқда...

Абдулазиз АҲМЕДОВ.

ЭЪТИБОР

БОЁВУТЛИК НАРГИЗА

“Маҳалла” фонди ёрдами билан ўз бизнесини йўлга қўяди

Боёвут туманининг “Бунёдкор” маҳалласида истиқомат қилаётган йигирма бир ёшли Наргиза Ҳусанова учун Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш, кўмак бериш орқали ҳаётини ўнглаш ва муаммоларини тизимли ҳал этишга қаратилган “Аёллар дафтари” даромад топиб, ҳаётда ўз ўрнини топишда қўл келмоқда.

Оиласининг ягона боқувчиси бўлган, отаси Шовқи бобо сурункали касалликлар боис ётиб қолганига анча йиллар бўлди. Сўнгра, бу қийинчилик она бошида ҳам бор экан. У кишининг ҳам соғлиғи ёмонлашди. Рўзғор тебратиш, бемор ота ва онани парвариш қилиш, ёш бўлсада Наргизанинг зиммасига тушди.

— Оилада тўрт жонмиз. Акам бор. У ҳам ишсиз. Аммо ҳаёт қийинчиликлари олдида бирзум бўлса-да эсанкираб қолганимиз йўқ. Қўни-қўшни, яқинлар, қолаверса маҳалламиз ёрдами билан бу қийинчиликларни, синовларни енгиб ўтяпмиз. Муҳими, ота-онам сингари тўшакка михланиб қолганимиз йўқ. Соғмиз, саломатмиз. Яқинда бизнинг оилани ҳам туман ҳокимлиги вакиллари келиб, ўрганиб “Аёллар дафтари”га киритди. Шундан сўнг, менга “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сирдарё вилоят бўлими катта ёрдам кўрсатди. Улар уйда ўз ишимни йўлга қўйиш, даромад топиб, ҳаёт қийинчиликларини енгиб ўтишда асқотадиган замонавий тикув машинаси ва оверлок машинкасини беришди. Ўзим тикувчиман. Энди уйимда, ўз машинамда бежирим ва чиройли либосларни тикиб бозорга чиқараман. Хуллас, ўз бизнесимни йўлга қўймоқчиман. Ёнимга уч-тўрт нафар шогирд олиб, иш ўргатаман. Бу эса менга, оиламиз учун берилган каттагина ёрдам бўлди, —дейди Наргиза Ҳусанова.

Наргизанинг орзулари кўп. Аммо ҳаёт қийинчиликлари олдида бир зумгина бўлсада тўхтамайди. Уни “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Сирдарё вилоят бўлими, қолаверса туман ҳокимлиги ёлғизлатиб қўйгани йўқ. Имкон топилди дегунча, унга, унинг оиласига “Аёллар дафтари”дан чиқиб, қўшимча даромад топиб ҳаётда ўз ўрнини топиши учун кўмаклашмоқда.

Ғулом ПРИМОВ.

ВОДИЙЛАРНИ ЯЁВ КЕЗГАНДА

ҚАЕРДАСАН, БУВАЙДА?

Олимларнинг таъкидлашича, Бувайда Биби Убайданинг шевадаги ифодаси бўлиб, айрим адабий ёдномаларда Биби Ҳувайдо номи билан юритилади. Баъзида ҳатто Биби Обида сифатида ҳам талқин этадилар. Бувайда Фарғонанинг кичикроқ туманларидан бўлиб, 1926 йили ташкил топган. 230 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади.

Ҳар жойнинг ўз “ташриф қоғози” бор, Олтиариқ тилёрар узумию бодринги билан, Риштон кулолчилиги, Марғилон атласу адраси билан донғи кетган бўлса, Бувайда анжиру қулупнайи, ҳаммасидан ҳам қалампири билан машҳур. Кўнглимиз кетиб, Бувайдани яёв кездик.

Фарғона вилоятида 300 га яқин зиёратгоҳлар номи аниқланган. Ушбу зиёратгоҳлар ичида аёллар номи билан боғлиқ мозорлар саноқли бўлса-да, Модарихон, Сафед булон, Биби Убайда зиёратгоҳлари нафақат Фарғона водийсида, балки Ўрта Осиёда ҳам машҳурдир.

Сўлим Бувайда тумани Биби Убайда, Пошшо Пирим, Султон Баёз Бастом, Галдирбобо, Бандикушод ота, Сўфи азизлар, Гўдакмозор, Суқмозор, Топтиқ азизлар, Ғойиб бува зиёратгоҳлари, Чилтонтепа, Шўртепа каби тепаликлари билан вилоятга ташриф буюрган меҳмонлар, маҳаллий аҳоли вакилларини ўзига чорлаб туради.

Биби Убайда зиёратгоҳида

Ривоят қилинишича, душман таъқиби чоғида Биби Убайдага найза тегиб ҳалок бўлган ва зиёратгоҳга дафн этилган. Бошқа ривоятларга кўра, яккаю ягона ўғлидан жудо бўлган Биби Убайда ўз юртидан бош олиб чиқиб, Маккаю Мадинага равона бўлади. Унга келини ва набираси Муҳаммад Жарир ҳамроҳлик қиладилар. Фарғона чўлларидан ўтиш чоғида кучли қум бўрони кўтарилиб, уларни бир-биридан ажратиб юборади. Одамлар излаб топишганда фурсат қўлдан берилган, уларнинг барчаси қум остида қолиб ҳалок бўлишганди. Одамлар уларни қаердан топган бўлса, шу ернинг ўзига дафн этадилар. Натижада бир-биридан 2-3 чақирим узоқликда икки мозор пайдо бўлади. Яна бир ривоятга кўра, Биби Убайда шу мозордаги мақбара ўрнида ғойиб бўлган.

Аммо ёзма манбалар ҳақиқатга яқинроқ. 1906 йили кўчирилган Шоҳ Ҳаким Холиснинг “Шоҳ Жарир қиссаси”да келтирилишича, Муҳаммад Жарир улғайиб, Подшоҳ Пирим номи билан машҳур бўлади. У ўттиз бир ёшга кирганда худди бобоси ва отаси сингари кўп сонли қўшин йиғиб, ислом дини учун кураш олиб боради. Подшоҳ Пирим лашкари билан жума намозида эканлигидан фойдаланган душман тўсатдан ҳужум қилади. Ўша жангда у танасининг етмиш икки жойидан яраланади. Сирдарёдан ўтаётганда, мадорсиз йиқилади. Подшоҳ Пиримни Бачқир қишлоғига дафн этишгач, момоси Биби Убайда, аёли ва етти яшар фарзанди Мадинага йўл оладилар. Чўлда юз берган даҳшатли бўронда қолиб ҳалок бўладилар. Одамлар уларнинг учаласининг ҳам жасадини излаб топиб дафн этган. Демак, Биби Убайда мозоридаги қабрларнинг каттаси Биби Убайданинг, иккинчиси Шоҳ Жарирнинг аёли ёки онаси Бадиъа бонунинг, қўшни хонадаги кичик қабр эса етти яшар фарзандининг қабри бўлиши керак.

Айтишларича, Биби Убайда етти машҳур бибилардан бири бўлиб, авваллари зиёратга келганлар еттита чалпак пишириб олиб келганлар. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни эса зиёратдан ташқари, “Бувимнинг сочини ювиш” маросими ҳам бажарилган. Ҳар бир аёл тароқ ва қатиқ олиб келган. Эмишки, Биби Убайда кунларнинг бирида зиёратга келган бир хаста қизга кўринган ва ундан сочини ювишга ёрдамлашишни илтимос қилган. Бемор қиз Биби Убайда сочини ҳар жума келиб ювишга ёрдам берган. Шу тарзда у ўз касалига даво топиб, дардан фориғ бўлган экан. Зиёратга келган аёллар Биби Убайда оқ либос кийиб юради, деб тасаввур қилганлар, шунинг учун мозор олдига оқ сурпни ёйиб ўз тилакларини айтганлар. Булар, албатта, ривоятлардир.

Зиёратгоҳ ёнида “Бувимнинг ҳассаси” дарахти ва “бел тош” бўлиб, ҳар бир зиёратчи мозорни зиёрат қилгач, дарахтни қучоқлаб, бел тошга бошини қўйиб ният қилган.

Ҳозир ҳам бу ерга келувчиларнинг қишинёзин қадами узилмайди.

Қўли гул одамлар

Бувайдаликлар — миришкор, тадбиркор, ҳунарманд халқ. Улар эккан анжиру қулупнайнинг ширасы тилга тушган. Ҳали “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили бировнинг хаёлига келмаган паллада, улар бир-бирининг этагини тутиб, ҳунармандчилик, деҳқончиликнинг илмини олганлар. Бутун бошли маҳалла аҳолиси ё кўчатчилик, ё мебелчилик ёки бўлмаса, темирчиликка ихтисослашиб қолган. Бувайдаликлар суҳбатдошига бир инсонни таништирар экан, қишлоқ ёки маҳалла номини айтмай, “Бу киши сўричилардан, булар эса тўнчилар маҳалласидан”, дейишининг боиси шундан.

Айлади бемор чойхона

Фарғоналик нуронийларнинг кунлар исиб, беданалар сайраб турганида, чойхонадан қадами узилмайди. Чойни шопириб, ул-булдан тамадди қилиб ўтиришлари асли бир баҳона. Чойхона – оқибат, меҳр маскани. Тенг-тўшлари билан дилдан суҳбатлашиб, аскияни гуллатиб, ёғоч сўриларда чордона қуриб ўтиришнинг гашти бўлакча.

Нафис, бежирим нақшли, пухта-пишиқ ясалган сўриларни қайси қўли гул одамлар ясаган экан, дея Бувайданинг сўричилиги билан машҳур “Ўрта қўнғирот” маҳалласи томон йўл олдик. Маҳалла ўртасидан оқиб ўтувчи ариқ бўйида бўйлари баланд, очиқ юзли маҳалла раиси йўлимизга пешвоз чиқиб, устазода Иқболжон Абдуллажонов хонадони томон бошлади.

— Маҳалламизда 9 та кўча бўлиб, 5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, – дейди маҳалла раиси Абдураззоқ Йигиталиев. — Ўрта қўнғиротликлар асосан ҳунармандчилик, хусусан, сўри, эшик-ром, мебель ясаш билан шуғулланади.

Бешинчи авлод устазода ҳунарманд Иқболжон Абдуллажонов эсини танибдики, ёғоч билан тиллашади. Санъат асарини яратиш учун бир ҳафта муддат кифоя. Кўриб кўзингиз қувнайдиган, ўтирсангиз тургингиз келмайдиган сўрилар эман ёғочидан, оёқлари ёнғоқ, чинор, қайрағочдан ясалади. Иқболжоннинг сўрилари Бувайдадаги сўри бозордан оша Андижондан Қорақалпоғистонгача, қўшни Қирғизистону Тожикистонгача етиб бормоқда. Ҳар бирининг шакли-шамойили, катта-кичиклигига қараб бир ярим миллиондан ўн-ўн беш миллионгача сотади.

Бугун сўрида ўтирганча хаёл сураркан, отамерос касби — сўричиликдан топганларига шукрона келтиради.

Темирдан гул битиб...

Биргина темирдан неча хил маҳсулот ясаш мумкин, деб ўйлайсиз? Деҳқонободликлар темирни 150 хил шаклга сола билишади. Илҳомжон Усмонов ана шундай қўли гул усталардан.

— Бу касб билан 1991 йилдан буён шуғулланаман, — дейди унинг ўзи. — У пайтларда маҳалламизда темир маҳсулотлари сотиладиган дўкон бўлмаган. Нега энди ясаган маҳсулотларимизни реклама қилмаслигимиз, сотмаслигим керак, деган ўйда мана шу ерда биринчилардан бўлиб дўкон очдик. Ўшандан буён замонга мослаб янги асбоб-ускуналар яратиб келмоқдамиз.

“Деҳқонобод” маҳалласининг бошидан охирига қадар кета-кетгунча темирларнинг тарақа-туруқи. Ҳамма иш билан банд, бўш турган одамни учратмайсиз. Маҳалла раиси Муталлибжон Исмоиловнинг айтишича, 800 дан зиёд хонадон, 4 ярим мингдан ортиқ аҳолини ўз ичига олган Деҳқонободда бирорта ишсиз киши йўқ экан.

Маҳалла аҳли қўли очиқ, саховатпеша экан. Яқинда хотамтой тадбиркор Абдусалим Абдулҳақов қариялар учун 1 миллиард 250 миллион сўмлик фитнес зали қуриб берибди. Чойхонадан чиққан чолларнинг борар манзили энди фитнес зали бўлиши аниқ.

80 гектарга яқин ҳудудни эгаллаган Деҳқонободда бир қарич бўш ер йўқ ҳисоби. Кексадан ёшигача ҳали қарасанг, темирдан рўзғор буюмидан тортиб деҳқончиликда ишлатиладиган ускунагача ясаётган, бир қарасанг, ернинг хабарини олиб, томорқасида помидор, бодринг, карам, қалампир экаётган бўлади. “Кўчатларни қайси бозордан сотиб оласизлар?” — деган саволимизга жавобан: “Кўчатларнинг кони — Найманда!” — дея қўшни маҳаллани кўрсатдилар.

Бувайданинг қалампири қайда?

Бувайдаликлар лабингизни ловуллатиб юборувчи қалампирларни нафақат хуш кўриб истеъмол қилишда, балки етиштириб беришда ҳам етакчи.

Шоҳидахон Абдураззоқова 25 йил муаллимлик қилган, турмуш ўртоғи Зоҳиджон ака Абдураззоқовнинг эса вилоятдаги ҳашаматли биноларнинг қад ростлашида ҳиссаси бор. Иккиси ҳам ўттиз йилдирки, ишхонадан уйга келди дегунча томорқага шошилади. Декабрдан ерни қиздириб, тайёрлаб оладилару январнинг йигирмасида булғор қалампири, помидор, карам, қалампир, бодринг уруғларини сепиб, парваришлаб, ўстирадилар.

— Меҳнати осон эмас, — дейди Шоҳидахон опа. — Ҳароратни бир хилда ушлаш керак. Ҳаво ўзгариб, совуқ тушганида, булар ҳам баргларини ташлагудек бўлади. Тепасини очсак, қуёш уриб қўйиши мумкин. Иши жуда нозик. Шунга яраша даромади ҳам чакки эмас. Кўчатчиликнинг орқасидан қиз узатиб, ўғил уйладик, иморат солдик, автоуловимизни янгиладик.

Беш сотихлик жойнинг беш метридан 6 миллион сўмлик соф даромад олган Абдураззоқовлар оиласининг шундай пайтларда ҳордиғи чиқиб кетади. Улар ҳаммасидан ҳам неча йилдирки харидорлар ишончини йўқотмагани, Тошлоқ, Марғилон, Олтиариқ туманларидан ҳам келиб кўчатларини олиб кетишаётганларидан хурсанд.

— Найманда 5 ярим минг нафар аҳоли истиқомат қилади, — дейди маҳалла раиси Икромжон Шихназаров. — Мингга яқин хўжалик бор, шундан 90 фоизи деҳқончилик билан шуғулланади. Ўзимиз ҳам 10 йилдан бери оилавий лимон етиштирамиз, сотамиз, вақти келса, экспорт ҳам қилмоқчимиз. Ҳар бир хонадонда етиштирилаётган кўчатларнинг харидори Бешариғу Тожикистондан ҳам топилади.

Учта маҳаллани кезиб, олган таассуротларимиз бир жаҳон. Ҳар бири эртасини бугунгидан фаровонроқ қилишга интилаётган одамлар. Меҳнат, сабр ва шукроналикни ҳаётининг фалсафаси, деб билувчилар. Туманда жами 55 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлса, кўрганларимиз ҳали хамир учидан патир экан. Демак, Бувайдага саёҳатимиз яна давом этади.

Севара АЛИЖОНОВА.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

ЁД ЭТИБ

Матбуотимиз дарғаларидан эди

Таниқли публицист ва ношир, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ордени ҳамда “Жасорат” медали соҳиби Зиёд Исломович Есенбаевнинг Ўзбекистон журналистикаси ривожига қўшган ҳиссасини кўпчилик яхши билади.

У файзли умри давомида туман, вилоят ва республика марказий газета ва журналларида самарали фаолият кўрсатган. Қарийб йигирма йил Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси ва Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасини бошқарган. Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқаруви раиси лавозимида ҳамда “Ўзбекистон матбуоти” журнали бош муҳаррири сифатида ўз маҳорати ва билимини намоён этган эди.

Зиёд Есенбаев мустақил Ўзбекистон журналистикаси ривожи ва ёш мутахассисларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшган устоз ҳамдир.

Жорий йил 21 июнь куни давлат ва жамоат арбоби Зиёд Есенбаев таваллудига 100 йил тўлди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан устоз журналист хотирасига бағишланган тадбир ўтказилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вакиллари, З.Есенбаевни яқиндан билган, ўз даврида у киши билан бирга ишлашга муяссар бўлган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси “Фахрийлар кенгаши” раиси Жаббор Раззоқов, фахрий ношир Ботир Диёров, таниқли журналист ва адиб Неъмат Ёқубов, устоз журналистлар Ўткир Зокиров, Ҳамид Султонов, Солиҳ Ёқубов, Ирисмат Абдухолиқов ва бошқалар аввал “Минор” қабристонига бориб, устоз қабрини зиёрат қилишди. Сўнгра, З.Есенбаев хонадонига ташриф буюриб, унинг оиласи, яқинлари даврасида устозни хотирладилар.

Устоз журналистнинг ибратли ҳаёт йўли, эзгу фазилатлари ёдга олинди.

— Зиёд Исломовични 1965 йили биринчи бор таниганман, — деди таниқли журналист Жаббор Раззоқов. — Ўз даврида юртимиздаги нашриётлар, босмаханалар, газеталар фаолиятини йўлга қўйишда бош-қош бўлганлар.

— Отамизни билганлар ҳар доим яхши хотиралар билан эслайди, — деди устознинг ўғли Шерзод Есенбаев. — У Иккинчи жаҳон урушининг бошидан охирига қадар фронтда мардонавор курашган. Ноширлик, матбаа, журналистика ривожига катта ҳисса қўшган отамизнинг порлоқ хотираси ёдга олиниб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатилгани учун миннатдорлик билдирамиз.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров устоз Зиёд Есенбаев ёд этилган кечада таъкидлаганидек, бундай тадбирлар ёш журналистларни матбуотимизнинг шонли тарихи, ўша вақтлардаги ўта мураккаб оғир шароитларда, турли тўсиқларни енгиб, мардонавор фаолият олиб борган фидойи дарғалар ҳаёти ва ижодий фаолияти билан таништиришда муҳим ўрин тутади ҳамда уларга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилади.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси мутахассиси.

Муаммо бор, гап ечимини топишда

1-б.

Давр янгиланаяпти, аммо бўлажак журналист-талабалар ҳали-ҳануз бундан 10-12 йил илгари босилиб чиққан ўқув қўлланма, дарсликлардан ёки яқин хорижда нашр этилган китоблардан фойдаланиб келишаяпти. Тўғри, икки, уч йил деганда, соҳа олимлари ёки амалиётчиларнинг битта ёки иккита ўқув қўлланмалари чоп этилиб турибди, аммо кундалик ҳаётимизнинг ҳар дақиқаси янгиликлардан иборат бўлиб турган бир пайтда, битта ёки иккита қўлланма илмга чанқоқ ёшларимизнинг талабини тўлиқ қоплай ололмайди. Истаймизми, йўқми ана шу омиллар бўлажак журналистларнинг ҳаётдан, даврдан, қолаверса, ижоддан ортда қолишларига сабаб бўлади.

Тўғри, бугун дунё миқёсида оммавий коммуникация, техника, технологиялар тез суръатлар билан ривожланиб бораяпти. Масалан, глобал тармоқ — интернет саҳифаларидан истаганча маълумотлар, шунингдек, журналистикага оид тегишли материаллар олиш, улардан унумли фойдаланиш мумкин. Бунга замонавий ёшларимизнинг кўникма, малакалари ҳам етарли. Аммо аксарият ёшлар ана шу олинган маълумот, материаллардан амалда тўлиқ ҳолда фойдалана олаяптими? Албатта, йўқ! Чунки ижтимоий тармоқ бир бор кўз югуртириладиган нарса, даврий нашрлар эса йиллар мобайнида сақлаб қўйиладиган тарих. Бундан ташқари, интернетдан фойдаланишда айрим ёшларга янги коммуникацион техникаларни тўлиқ ўзлаштира олмаганликлари ёки чет тилини билмасликлари панд беради.

Оммавий ахборот воситаларида мамлакатимиз келажаги учун журналист кадрлар тайёрлашдек масъулиятли вазифалар ҳақидаги чиқишлар ўрганилганда, турлича, бир-бирига ўхшамайдиган фикрлар билдирилаётганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин. Бу табиий ҳол, чунки маълум бир муаммо борасида фикрлар хилма-хиллигининг бўлиши, ўша жамиятдаги демократиянинг белгиси ҳисобланади.

Баъзи муаллифлар журналистик таълимда кўпроқ амалиёт бўлишини таъкидлайдилар (Аҳмаджон Мелибоев. “Матбуотимиз келажаги кимларга ва нималарга боғлиқ?” “Hurriyat”, 2021 йил 17 февраль. Ислом Асилбеков. “Матбуотда очиқлик ва сўз эркинлиги” “Hurriyat”, 2021 йил 3 март). Биринчи мақола муаллифи талабаларнинг ўқиши давомида назарий билимларга кўпроқ урғу берилаётгани, жорий, оралиқ, якуний назоратлар саволлари қуруқ назариядан иборат бўлиб қолаётгани, бундай саволларга жавоб ёзишда талабанинг шахсий фикри йўқлиги ҳақида куюнчаклик билан ёзади. Шунингдек, мақолада етук журналистлар тайёрлаш борасидаги тавсиялар ҳам берилган. Улардан баъзиларини мисол сифатида келтириб ўтамиз:

“факультетга қабул қилишда ижодкорликка мойил, қўлида қалами бор, матбуотда хат-хабарлари билан кўриниб турадиган ёшларга алоҳида эътибор бериш керак;

илмий-педагогик жамоани тажрибали амалиётчилар билан бойитиш ҳисобига янги қон-томирлари пайдо қилиш керак;

ортиқча такрор ва зарур бўлмаган фанларни қисқартиришни таклиф қиламан. Журналистикада асосан журналистика ўқитилиши керак;

ўқув жараёни ўттиз фоиз назария, етмиш фоиз амалиётдан иборат бўлса яхши;

оралиқ, жорий ва якуний назорат ишлари саволларида эркин ижодий мавзулар кўпайиши керак” ва ҳоказо.

Тўғри, мақолада жўяли таклифлар билдирилган. Айтиш керакки, кейинги йилларда журналистлар тайёрлайдиган факультетларда юқорида айтилганларга баҳоли қудрат амал қилинмоқда. Назарий билимларга келсак, мақола муаллифи қисман ҳақ, Ўзбекистонда журналистика назарияси амалиётдан анча орқада қолгани ҳам бор гап. Назария орқада қолди, энди нима қиламиз, деган билан иш битмайди ёки бирон-бир муаммоимизни биров четдан келиб, ҳал қилиб бермайди. Жаҳон тажрибаларидан ҳам билиб олиш мумкин, журналистика назариясини атрофлича ўрганиш бўлажак журналист учун жуда керак.

Қолаверса, олий ўқув юртлари қошида бекорга журналистика факультетлари фаолият юритмаяпти. Талаба дастлаб олий таълим даргоҳида ўзида назарий билимларни сингдириб, кейин олган билимларини амалиётга татбиқ этади. Талаба журналистика тарихини билмаса, жанрларни бир-биридан ажрата олмаса, ижтимоий фанларни ўрганган ҳолда билими, савияси, дунёқараши ошмаса, дастлабки ёзиш, эшиттириш, кўрсатув кўникмаларини ўзи ўқийдиган даргоҳда олмаса, ундан келажакда қандай билимли, қобилиятли журналист чиқсин?

Устоз кўрмаган шогирднинг ҳар мақомда йўрғалашига ҳар куни гувоҳ бўлиб турибмиз. Журналистика ҳақида тасаввури ҳам йўқ, соҳа бўйича бирон-бир малакага эга бўлмаган, ўзини журналист деб чоғлаб юрган, оқибатда “қовун тушириб” юрган баъзи блогерларнинг иши, қилмишлари ижтимоий тармоқларда ўз аксини топаётганлигидан кўпчилик хабардор. Барибир, ўқиган яхши.

Ҳозирда олдимизда турган асосий мақсад — назарий билимларни янги, замонавий, бугунги куннинг талабларига жавоб берадиган даражага олиб чиқиш. Бу борада хориж тажрибасидан улги олиш керак бўлади, улар журналистика назарияси, шунингдек, амалиёти бўйича ҳам анча илгарилаб кетишган. Очиғини айтганда, республикамиз олий ўқув юртлари қошидаги журналист кадрлар тайёрлайдиган факультетлар мутахассислари ҳам вазиятга бефарқ бўлиб, қўл қовуштириб ўтиришгани йўқ. Янги йўналишлар бўйича изланишлар олиб борилаяпти, вақти-вақти билан малакаларини оширишаяпти.

Кўпчиликка маълум бўлса керак, янги ўқув йилидан республикамиздаги аксарият олий ўқув юртлари таълимнинг кредит – модул тизимига ўтди. Журналист кадрлар тайёрлайдиган ўқув муассасаларида ҳам ҳозирда билим бериш, ўқитиш ана шу тизим асосида олиб борилаяпти. Бу тизимнинг маъқуллиги – илгари бир семестрда 10-12 та фан ўтилиб, талабага кўз очиргани, атрофга қарагани имкон бермаган бўлса, янги тизимда бир-йўғи 5 ёки 6 та асосий фанлардан сабоқ берилмоқда. Энг муҳими, талабанинг ўқув фанларига мустақил тайёргарлик кўриши учун кўп вақт ажратилгани яхши бўлди. Баъзи олий ўқув юртларида ҳатто беш кунлик ўқишга ўтилди. Энди талаба билимини янада ошириши учун яратиб берилган ана шу имкониятлардан унумли фойдаланиши керак. Кредит – модул тизимининг яна бир яхши томони – ўқув жараёнида талаба билим олиши борасида анча жиддий талаблар қўйилади, шунингдек, ҳар бир ўқув семестри давомида уларга сабоқ бераётган профессор-ўқитувчиларнинг ҳам сараги саракка, пучаги пучакка ажратилади. Талаба билими қониқтирмайдиган, бугунги куннинг талаблари асосида дарс ўта олмайдиган ўқитувчини рад этиб, замонавий тарзда билим берадиган устоз, профессорни танлашга ҳақли.

Бундан ташқари, келажакда журналист бўлишга ахд қилган, не-не орзу-умидлар билан ўқишга кириб, ўқув даргоҳларида сабоқ олаётган ёшларга бир неча тилни биладиган, ҳатто хорижда ишлаб, малака ошириб келган ўқитувчилар сабоқ бераётгани ва уларнинг сафи кенгаяётганидан мамнун бўлишимиз керак ҳамда журналистика факультетларида бу жуда муҳим жараённинг изчиллик билан давом эттирилишини истардик.

“Матбуотда очиқлик ва сўз эркинлиги” сарлавҳаси остида босилган мақолада ҳам ҳозирги газеталарнинг аҳволи, “мажбурий обуна” билан боғлиқ муаммолар кўтарилган. Мақоладаги таниқли журналистлар, соҳа мутахассисларининг билдирган фикрлари таҳлилдан ўтказилса, гап яна мамлакатимиз ОАВнинг бугунги аҳволи, улар билан боғлиқ масалалар, шунингдек, журналист маҳорати масаласига бориб тақалади. Иборали қилиб айтганда, мақолани диққат билан ўқиган зийрак ўқувчининг калтакнинг бир учи малакали журналист кадрлар тайёрлашдаги кемтикликларни “силаб ўтганлиги”ни сезиши қийин кечмайди.

Энди талабаларнинг замонавий таълимдан хабардорлиги, янги ўқув қўлланма, дарсликлар билан таъминланганлиги хусусида. Бу борада сезиларли ишлар олиб борилаяпти. Масалан, кейинги 2-3 йил ичида Ўзбекистон Журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ давлат университетида журналистиканинг замонавий, янги йўналишлари бўйича жиддий изланишлар олиб борилди. Бунга ҳимоя қилинган янги диссертация ишлари, талабалар ва тадқиқотчилар учун монография, ўқув қўлланма, дарсликларнинг янги авлоди яратилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Юсуф ҲАМДАМОВ,
Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети доценти.

ТАҚДИМОТ



“Сирдарёча тўй қиламиз”

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими, бўлим ходими, истеъдодли журналист, адиба Дилором Исмадиёрованинг “Сирдарёча тўй қиламиз” ҳамда “Сирдарёга қўниб ўтинг, дўстларим” китоби тақдимотини ўтказди.

Мазкур китоб тақдимотида Сирдарёда кўп йиллардан буён ижод қилиб келаётган фахрий журналистлар, адибанинг касбдошлари, шогирдлари иштирок этди.

Улар мазкур китобларда ёритилган ҳар бир мақола, адибанинг сўнгги йиллардаги энг сара ва ўқимишли бўлган мақолалари бўлиб, ушбу тўпламлардан жой олганлигини, шунга яраша бу китобларни ўз ўқирманлари ўқиб, яхши таассуротга эга бўлишини тақдимотда қайд этишди.

Ўз мухбиримиз.

ЖУРНАЛИСТ ЁН ДАФТАРИДАН

Касбга садоқат

Қашқадарё вилоят газетасида ишлаганимда Сувон Соқий деган устозимиз бўларди. Самимий ва дилкаш, беғараз инсон эди. Шоиртабиат, ўзи ҳам шеърлар ёзарди. Ёшлар у кишини яхши кўрар, кези келса, суянарди.

Сувон ака бўлим мудири, мен оддий ходим. Таҳририятга Косондан бир йигит шикоят қилиб келди. Фиғони фалакка чиққан, кўз ёшларини тўхтата олмасди. Айтишича, ярим тунда беш ёшли қизчасининг иссиғи чиққан. Олдин қишлоқ, кейин туман шифохонасига олиб боришган. Қилинган муолажалар фойда бермай, қизча вафот этган.

Таҳририятнинг топшириғи билан Косонда бўлиб, воқеани ўрганиб келдим. Қизалоқнинг ўлимида шифокорларни эътиборсизликда, ўз касбига совуққонликда айблаб, мақола ёздим.

Сувон ака менга “мулло” деб мурожаат қиларди.

– Мулло,– дея сўради сафардан қайтган куним. – Хўш, нима бўлган экан?

– Врачлар айбдор, – дедим. – Ўз вақтида ёрдам кўрсатилмаган. Мақола ёзаяпман.

– Тўғри қиласиз. Боплаб уринг! – далда берди устоз.

Мақолани тайёрлаб, устозга ўқиши учун бердим. Шу пайт шаҳар телефони жиринглаб қолди. Хонадан чиқиб турдим. Кейин Сувон акани бош муҳаррир чақирди.

Бироздан сўнг Сувон ака мен ўтирган хонанинг эшигини очиб:

– Мулло, юринг-чи, облздравнинг бошлиғи сўраяпти экан. Борайлик-чи? – деди.

Йўл-йўлакай Сувон ака вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи асли косонлик экани, уни яхши мутахассис сифатида ҳурмат қилиши, танишлигини айтди.

Бошқарма бошлиғи – аёл киши экан, бизни қабулхонага чиқиб кутиб олди.

Сувон ака мени таништирди. “Ёш, келажаги бор, қалами ўткир йигитларимиздан” деб қўшиб қўйди. Бошлиқ яхши иш бўлмагани, зарур чоралар кўрилаётгани, айбдорлар албатта жазоланишини айтиб, иложи бўлса, воқеани матбуотга олиб чиқмасликни илтимос қилди. Бундан кейин ҳамкорликда ишлашини билдириб, гап орасида бирон хизмат-пизмат бўлса, бемалол келишим мумкинлигини ҳам қистириб ўтди.Сувон акани яхши танишини, жуда ҳурмат қилишини алоҳида уқтирди.

Сувон ака бирон нарса денг, дегандек менга бурилди, мен ерга қарадим.

Таҳририятга қадар иккаламиз ҳам жим келдик. Хонага киргач,устоз:

– Хўш, мулло, энди нима қилдик? – дея сўради.

– Мақолани ўқиб кўринг-чи? Менимча, берганимиз маъқул. Марҳум қизчанинг ота-онаси бироз таскин топармиди? – дедим.

Сувон ака индамай стол четида турган мақолани қўлига олди.

Эртаси куни бош муҳаррир ҳузуридаги “планировка”да Сувон ака қаттиқ туриб менинг мақоламни “номер”га беришни талаб қилди. Ўша пайтларда вилоят газеталари ҳафтада беш марта чоп этиларди. “Холис ва ҳаққоний ёзилган”, — деди у.

Танқидий мақола “Мен сизни кечирмайман, дўхтир!” сарлавҳаси билан эълон қилинди ва вилоятда анча-мунча шов-шувга сабаб бўлди.

Кейинроқ тушундим. Ўша пайтда устоз ёш, бошловчи журналистнинг кўнглига қарамасдан, мақоланинг бир-иккита камчилигини топиб, қайтариб берса ҳам бўларди. Аммо Сувон ака ёш ҳамкасбининг кўнглидаги адолатга бўлган ишончни, касбга бўлган ихлосни сўндиргиси келмади. Майда туйғулардан устун келди, узоқни ўйлади.

Раҳматлик устоз Сувон Соқийнинг касбига садоқати ҳозир ёш ҳамкасбларимнинг мақолаларини ўқиётганимда, улар билан муомала қилаётганимда тез-тез эсимга тушиб туради.

Мазлумнинг қарғиши ёки сўзнинг уволи

Марказий нашрларда ишлаётган дўсту биродарларимиз маъзур тутсинлару, асл маҳорат сабоқлари кўпинча туман, вилоят газеталарида олинади. Матбуотнинг қуйи бўғинларида ишлаётган ҳамкасбларимиз қайноқ ҳаётнинг ичида юришади. Мен қўлимга қалам олган ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан бўён “Туман газетаси керакми?” деган мавзуда баҳслар бўлиб туради. Лекин аниқ биламанки, туман газеталари тугамайди. Ҳаёт бор экан, улар яшайверади, бу нашрлар ҳаётнинг ўзи каби қадимий ва яшовчандир. Чунки бўлғуси катта шоирлар, ёзувчилар, журналистларнинг илк машқлари туман газеталарида юз кўрсатади, уларни халққа дастлаб ана шу “кераксиз” туман нашрлари таништиради. Матбуотнинг бу қуйи бўғинида энг фидойи инсонлар ишлашади. Улар арзимаган маош олишса-да, ҳеч қачон бири икки бўлмаса-да, нолимайди, бутун умр чумолидай ғимирлаб, ишлаб юришаверади.

Тождор вирус карантини шарофати билан салкам икки ой уйда ўтириб қолдим. Бекорчиликдан уззукун ҳар хил сайтларни, ижтимоий тармоқларни титаман. Электрон нашрлардаги ҳамкасблар гина қилмасину булар журналистика эмас. Фақат кўчирҳо кўчир! Шунинг учун ҳам баъзи сайтларда тайёрланаётган яккам-дуккам оригинал нарсалар ялт этиб, кўзга ташланиб қолаётир. Бошқа ҳаммаси бири-биридан кўчириш. Бу ўқувчини зериктиради. Тўғриси, умуман қизиқтирмайди.

Қашқадарё вилоят газетасида иш бошлаган йиллари мен турадиган ишчи ётоқхонасида сочлари оқарган, ёши элликлардан ошган, қўллари қадоқ, кўринишидан ишчига ўхшайдиган кишига тез-тез йўлакда, ошхонада дуч келиб қолардим. Аксарият ёш мутахассислар, бўйдоқлар яшайдиган омонат масканда бу отахон нима қилиб юрибди экан-а, деб ўйлаб қўярдим.

– Сиз ҳам анави ёзувчиларданмисиз? – дея дабдурустдан сўраб қолди у бир куни кечқурун ошхонада учрашиб қолганимизда.

–– Кимни айтаяпсиз. Мен ёзувчи эмасман. Газетада ишлайман, холос.

Шу баҳона танишиб қолдик. Билак мускуллари ўйнаб турадиган, полвонкелбат бу одам нефть-газ қидирув экспедициясида экскаватор машинисти бўлиб ишлар, кўнгли очиқ, улфат киши экан.

Янги танишим – Дўстмурод ака билан тез-тез суҳбатлашиб қолардик. Бир сафар у кишидан ишчилар ётоқхонасида яшаши сабабини сўрадим.

У алам билан кулди. Кейин деди:

– Менинг ҳаётимни сизнинг ҳамкасбларингиз барбод қилишган.

Дўстмурод аканинг айтишича, аёли ҳам ўзи билан бирга ишларкан. Ҳамма оилада бўлганидек, гоҳи-гоҳида эр-хотин ўртасида келишмовчиликлар ҳам бўлиб тураркан. Бир куни одатдаги жанжалдан сўнг хотини “Мен сенга кўрсатаман!” дебди-ю бир журналист аёлни етаклаб келибди. Ҳе йўқ, бе йўқ, журналист хотини тарафида туриб, Дўстмурод акани золимликда, аёлига феодалларча муносабатда айблаб, вилоят газетасида фельетон эълон қилибди. Фельетон сабаб суд бўлибди. Суд ҳамма нарсани – уй-жойни ҳам, фарзандларни ҳам хотинига бериб, Дўстмурод акани ўз уйидан ҳайдаб чиқарибди. Шундан буён ишчилар ётоқхонасида экан.

Дўстмурод ака кўзига ёш олиб, ғазаб билан қарғади:

– Мени қариганимда хор-зор, овворaи сарсон қилган, оиламдан, болаларимдан ажратган сизнинг ҳовлиқма, ўпкасини босиб ололмаган ҳамкасбларингизда аламим бор. Кўргани кўзим йўқ. Илоё, уларнинг ҳам бошига менинг кунимни солсин!

Бу воқеа эсимдан чиқиб кетиши ҳам мумкин эди. Аммо ягона мафкура ҳукмрон, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ниҳоятда баланд бўлган тузум матбуотида ишлаган инсон сифатида гувоҳ бўлганманки, ўша йиллари мавзуга фақат аёллар манфаати юзасидан ёндашиб, нохолис мақолалар ёзган, не-не оилаларни барбод қилган баъзи ҳамкасбларимизни Дўстмурод акага ўхшаган эркакларнинг қарғиши урди. Улар ҳам ёши бир жойга борганида оиласи бузилиб, муаммолар гирдобида ёлғиз қолишди...

Шундан буён ҳар сафар қўлимга қалам олаётганимда ўйлайман: бу дунёда гуноҳлар кўп, аммо ёлғон ёзиш, нохолис, адолатсиз сўз айтиш, виждонга қарши бориш гуноҳи, сўзнинг уволи ҳам оғир экан.

Абдужалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА бош муҳаррири.

ХОТИРА

Ҳалоллик ва саховат — умр безаги

Гоҳида теварак-атрофга назар солиб, инсофу диёнат, меҳру мурувват, саховат камайиб кетаётганига бевосита гувоҳ бўласан. Ёрдам бериш қўлидан келсада, ўзини билмаганга солиш, ўзини ниқоблаб дўст қилиб кўрсатишу, зимдан пайт пойлаб чоҳ қазувчилар кўпайганига ҳам шоҳид бўлаяпмиз. Айниқса, ўзини зиёли сановчи кишилар орасида бунақанги ҳолатлар учраб туриши ғоят афсусланарлидир. Шуларни кўриб, кузатиб "наҳотки инсофу диёнатли зиёли замондошларимиз ҳам камайиб кетаяпти?" деб ўйга толишга мажбурсан. Шукрки, марҳум профессорлар Ғайбулла ас-Салом (1932-2003) ва Бегали Қосимов(1942-2004)лар билан боғлиқ ҳаётий воқеаларни эшитиб яқин даврда ҳам шу каби саховатли, ҳалолликни ҳаётий мезон қилиб олган замондошларимиз яшаганига шукр қиламиз. Дастлаб улар билан боғлиқ айрим воқеаларга назар солсак.

Таниқли ижодкор Шерали Сокин бир суҳбатида профессор Ғайбулла ас-Саломнинг инсоний фазилатларидан сўз очиб у кишини шундай хотирлагандилар:

— Ўша кезлари, гапнинг очиғи, моддий жиҳатдан қийналиб юргандим. Дўстим, шоир Рауф Парфи маслаҳат берди:

— Яхшиси, устоз Ғайбулла ас-Саломдан қарз сўрагин. Қулай йўли — шу. Юрасанми қийналиб?

"Қандай бўларкин?" дея андак тараддудланиб охири юрак ютганча устоздан қарз сўрадим. Ул зоти шариф ўнг қўлидаги ҳассасини чап қўлига олиб ҳамёнидаги ҳамма пулларни санамасдан-нетмасдан каминага узатарканлар, меҳрибонлик билан дедилар:

— Тушунаман, мирзам. Сизга ҳозир жуда қийин. Оғир операцияни бошдан кечиришнинг ўзи бўлмайди. Жўжабирдай жонсиз. Устига устак, Иво Андричнинг "Дрина кўприги" романини таржима қилдингиз. Таржима ўта машаққатталаб юмуш: кишини жувоздан чиққан отдай қилиб қўяди. Ҳа, модомики шундай экан, бу пулларни ишлатинг. Бадавлат бўлиб кетганингизда қайтарарсиз.

Иттифоқо, ўша куни биродарим Олимжон Ҳакимов ўзи гувоҳи бўлган бир воқеани айтиб қолди:

— Негадир Ғайбулла ас-Салом домла бугун "Шарқ" концерни ошхонасидаги таниш ошпаздан насияга таом олиб тушлик қилдилар…

Мен мулзам бўлиб қолдим.

Фарғона вилояти, Бешариқ туманилик Ҳанифа опа Суярқулова эса ижодкорлар орасида "сўнгги жадид" номини олган Бегали Қосимов билан

боғлиқ ибратли бир воқеани шундай сўзлайдилар:

— Ўғлимни институтга имтиҳон топшириш учун Тошкентга олиб бордим. Тошкентга кам борганмиз, шаҳарни билмаймиз. Бир узоқ қариндошимизни қора қилиб, 2-3 кун яшашга жой топиб берар деган умидда уйини топиб бордик. Аммо бизнинг ташрифимиз уларга ёқмади. Суҳбатлашиб ўтирганимизда уйнинг бекаси: "Ўғлинг мунча ювош, устига камгап, уятчан экан. Шу туриши бўлса институтга киролмайди, "х" вариант сотиб олгин", деди масхараомуз оҳангда. Устимдан совуқ сув қуйгандек бўлиб кетдим. Ўғлимни билмайман, лекин менинг юрагим эзилиб, кўз ёшимни аранг тўхтатдим.

Кечки пайт ўғлимнинг ўртоқлари турадиган жойни дараклаб топдик, бир амаллаб тонг орттирдик. Эртаси куни бир қариндош талаба йигит келиб, бизни Бегали Қосимов уйига таклиф қилаётганини айтди. Ўз қариндошимиздан илтифот кўрмаганимиз учун у кишиникига боришга истиҳола қилдик, тўғриси қўрқдик. Лекин у йигит домла тайинлаганини айтиб, бизни олиб кетди. "Кўчада қолганимиз"ни болалардан эшитиб, уйига чақирган экан.

Биз ийманиб, зўрға дарвозадан кириб борганимизда, ҳовлидаги сўрида ўтирган эр-хотин шошилиб ўринларидан туриб, пешвоз чиқишди. Юрагимга кеча ўрнашган дард бу меҳрдан эриб, кўз ёшларим билан оқиб тушиб, жисмимни тарк этгандек бўлди. Мен ўзга бир оламга, сув ўрнига меҳр тўлдирилган денгизга тушиб қолгандек эдим.

Бизни Бегали аканинг ишхонаси ёнидаги меҳмонлар кутиладиган хонага жойлаштиришди.

Эртаси куни Матлуба опа домланинг хонасини кўрсатди. Хонада минглаб китоблар, гўё бу инсон умри давомида топган-тутганларининг ҳаммасига китоб сотиб олгандай туюлди менга.

Биз бу ерда уч кун турган бўлсак, домланинг қачон уйқуга ётгани — қачон турганини билолмадим. Фақат тинмай ишлаб ўтирганини кўрдим.

Энди ўйласам, бу ҳазрати инсон саломатлиги ёмонлашганига қарамай, умри тугаб қолмасдан ишларини охирига етказишга шошилган экан.

Домла нонуштани ҳам, тушлик, кечки овқатни ҳам биз билан бирга қилиб, бироз суҳбатлашарди. Ўта камтар бу инсон билим қайнаб чиқаётган бир булоққа ўхшарди. Ўғлим иқтисодчи бўлмоқчилигини эшитиб, фаннинг турли соҳаларидан саволлар бериб, маслаҳатлар берди. Имтиҳондан бир кун олдин у кишига миннатдорчилик билдириб, институт яқинидан бирорта жой топмоқчи эканимизни айтганимда, бизга рухсат бермади. Ўғлимга бугун кечқурун яхшилаб дам олишни, имтиҳонга ортиқча нарса олиб кирмасликни, акс ҳолда вақтдан ютқазиб қўйиши мумкинлигини айтди. Эртаси эрталаб бизни Матлуба опа билан бирга ўз машинасида имтиҳон бўладиган жойга олиб бориб қўйди, ўғлимнинг кўнглини кўтариб: "Сиз албатта институтга кирасиз. Келажакда молия вазири бўласиз, яхши топшириб олишингиз учун омад тилайман", деб ўғлимнинг қўлини қисди. Бу табаррук инсоннинг тилаклари ижобат бўлиб, ўғлим ўқишга кирди, ҳозир вазирликда фаолият юритмоқда.

Ҳа, Ҳанифа опа айтган воқеага ҳам 15 йилдан ортиқ йил бўлди. Бу орада 2004 йили Бегали ака ҳам афсуски вафот қилиб кетдилар. Бироқ ундан адабиётшунослик ва тарихга оид кўплаб тадқиқот асарлари, энг асосийси яхши ном ёдгор бўлиб қолди. Бегали ака ҳалолликни умрининг асосий мезони қилиб қатъий белгилаб олганидан ҳаттоки ўғлининг хорижга ўқишга

кетишига ҳам аралашмаган эканлар.

Бу ҳақда ўғли Беҳзод Қосимов отасининг қатъиятлиги тўғрисидаги бир воқеани шундай хотирлайди:

— Хорижда ўқишга йўл очилган пайтлар эди. Ўқишни Америкада давом эттирмоқчи бўлдим. Ҳужжатлар тайёрладим, айрим синовлардан ўтдим. Сейтл университетига борадиган бўлдим. Энди ТошДУ ташқи алоқалар бўлимининг рухсатини олиш керак экан. Дадам ўшанда шу университетда проректор эди. Менга: Любов Максимовна (ташқи алоқалар бўлими бошлиғи)га ўзинг киргин. Мақсадингни тушунтир, лекин менинг ўғлим эканингни айтма, деди. Кирдим, тушунтирдим. Рад жавобини олдим. Ўшанда дадам аралашганларида Америкага кетар эканман. Шундай қилиб хорижда ўқиш орзуси орзулигича қолиб кетди.

Ҳа, Ғайбулла ва Бегали акалар афсуски бугун орамизда йўқ... Хўш, улар каби саховатли, ҳалолликни умр безаги деб билган яна қанча зиёлиларимиз бор бугун орамизда? Агар бўлса ўзини атайин инсофли қилиб кўрсатишга уринмай, тўқима воқеани келтирмай юқоридаги каби мисолларни аниқ келтира оладими?

Умидбек ТОЖИМУРОД.

ХОРИЖ

ТОЛИБОНЛАР ТОЖИКИСТОНГА "ҚЎШНИ" БЎЛДИМИ?

1 май куни АҚШ ҳарбийлари Афғонистонни тарк эта бошлаган эди. Шундан буён Толибон жангариларининг фаоллиги сезиларли даражада ошиб, кўплаб ҳудудларни босиб ола бошладилар.

Толиблар ҳафта аввалида Афғонистоннинг Шимолий Қундуз вилояти таркибига кирувчи Имам Саҳиб туманини эгалладилар. Бу ҳудуд Тожикистоннинг Хатлон вилояти Панж тумани билан чегарада жойлашган. Тумандаги полиция маҳкамаси ҳам қўлга олингани айтилмоқда.

Расмий ҳукуматнинг хабарига кўра, маҳаллий полиция ва Афғонистон миллий армиясининг ҳарбийлари ҳудудни қайтариб олишга ҳаракат қилишган, аммо уриниш бесамар кетган.

Жузжон вилояти ҳокими Муҳаммад Ҳошим Раис Афғонистон халқи сулҳ тарафдори экани, лекин Толиблар жангга урғу беришаётганини таъкидлаб, давлат йўл, мактаб, клиника, кўприклар қурса, Толибонлар бундай иншоотларни бузиб ташлаётганини айтганди.

Ўтган вақт мобайнида аҳвол оғирлашгани ва аҳолининг шикоятлари натижасида Мудофаа ва ички ишлар вазирлари ишдан олиниб, янги расмийлар тайинланган. Жанг шиддат билан бораётганига қарамай, музокаралар ҳам бекор қилинмаган.

Айтиб ўтиш жоизки, 22 июнь куни Афғонистонда коронавирус инфекцияси билан боғлиқ эпидемиологик вазият кескинлашаётганлигини инобатга олиб, ўзбек-афғон давлат чегараси орқали фуқароларнинг ҳаракатланиши вақтинча тўхтатилгани маълум қилинди.

РОССИЯ КИБЕРҲУЖУМЛАРГА ҚЎЛ УРСА…

16 июнь куни Женевада бўлиб ўтган саммитдаги АҚШ президенти Жо Байден ва Россия Федерацияси президенти Владимир Путиннинг учрашувидан дунё аҳли хабардор бўлди. Хўш, учрашув қандай ўтди, дунёнинг икки етакчи давлат раҳбарлари нималарга келишиб олди?

Президентларнинг бу учрашуви ижобий руҳда ўтгани, аммо қарашларда ҳали ҳам фарқ мавжудлиги айтилмоқда. Саммитдан кейин қўшма матбуот анжумани ўтказилгани йўқ. Байден ва Путин журналистлар олдига алоҳида чиқишди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан Владимир Путин саммитда ҳеч қандай душманлик бўлмагани ва учрашув жиддий тарзда ўтганлигини таъкидлади. У АҚШ ва Россия элчилари Москва ва Вашингтонга қайтишини маълум қилган.

"Тўрт соатлик учрашувларимиз яхши, ижобий кайфиятда ўтди", деган АҚШ раҳбари Жо Байден.

Саммитда икки тараф стратегик барқарорлик ва киберхавфсизлик ҳақида мулоқот бошлашга келишди. "Ўзаро жазолаш ва дипломатик алоқаларни торайтириш одатига барҳам берганимиз муҳим ва ҳар икки тараф учун фойдалидир. Аммо бунинг Россия хулқига таъсири бўладими, ўзгаришлар бўладими, буни кейинги икки ойда билиб оламиз", дейди Вашингтондаги Халқаро ва стратегик изланишлар марказидан Сайрус Нюьлин.

Икки мамлакат тўпланиб қолган кўплаб муаммоларни ҳал қилиши осон бўлмайди, албатта. Масалан, Украина масаласида. "Мен АҚШнинг Украина суверенитети ва ҳудудий дахлсизлигига қатъий содиқлигимизни билдириб ўтдим", деган Байден.

Интернет хабарлари асосида Ш.ШОДМОНОВ тайёрлади.

ЎЗЛИК

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ҳудудларга ташрифи ислоҳотларнинг ҳаётдаги самарасини кўрсатибгина қолмасдан, тарихий хотирани уйғотишга ҳам хизмат қилмоқда. Масалан, яқинда Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги "Урганжий" маҳалласига қилинган ташриф халқ орасида, жумладан, хоразмликларда Урганжий топонимига қизиқишни уйғотди. Шулардан келиб чиқиб, Урганжий қишлоғининг Хоразмдаги Урганч шаҳрига қандай боғлиқлик томони бор деган табиий саволни ўртага қўйди.

Маълумки, республикамиздаги Фарғона вилоятининг Данғара, Учкўприк, Бувайда, Андижон вилоятининг Избоскан, Пахтаобод, Наманган вилоятининг Наманган, Жиззах вилоятининг Фориш, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманларида Урганжи номли қишлоқлар бор. Хўш, бу қишлоқларнинг қандай бир-бирига боғлиқлик томони бор?

УРГАНЖИЙ ҚИШЛОҚЛАР

Дастлаб, Урганч топонимига тўхталсак.

Урганч атамаси илк бора зардуштийларнинг муқаддас китоби "Авесто"да Урга шаклида тилга олинади. Энг қадимги даврларга оид яна бир манба милодий 92 йилда воҳага келган Хитой элчиси Бан Гу хотираларида Урганчни ўз талаффузига мослаб, Юег –Янь дея ёзганди. Қуйи Амударё бўйидаги ушбу масканни қадимги туркий қавмлар Гурганж, Гурганч, араб манбаларида эса Журжония деб аташган.

1558 йилда воҳага келган инглиз савдогари Антоний Женкинсон ўз кундаликларида Хоразмдаги ушбу шаҳарни Юргендш дея ёзган. Хива хонлиги даврида ўлкага ташриф буюрган россиялик сайёҳ, элчи, олим, жосусларнинг битикларида эса шаҳар Ургенч деб қайд этилган. Маҳаллий аҳоли эса ўз жонажон масканини Урганч дея севиб тилга олади.

Хўш, жой номлари ҳақида илмий тадқиқот ишлари олиб борадиган топонимик олимлар ўртасида Урганч номининг келиб чиқиши бўйича қандай фикрлар бор?

"Авесто"дек зардуштийларнинг муқаддас китобида тилга олинган Урга (Урва) ҳозирда Қорақалпоғистоннинг Жанубий Орол бўйидаги геолог-газчилар шаҳарчаси сифатида ҳозирда ҳам маълум. Қадимий Урга харобалари археолог олимлар томонидан етарлича ўрганилган. Орол денгизининг сувлари тўлиб тошиши натижасида Урга қалъаси жамоаси эрамизнинг VII-IX асрларида жанубга томон кўчган ва Ургин-Уркенд дея айнан Ургага оҳангдош ном билан атала бошланган.

Филология фанлари номзоди, Аҳмад Ишаевнинг фикрига кўра, Урганч топоними қадимги "Ургин" — яъни "тахт, сарой" сўзидан келиб чиққан. Бироқ "Ургин" сўзи қайси даврда Урганчга айланган ва унинг "тахт, сарой" сўзига қандай боғлиқлиги бўйича қатъий якуний илмий хулоса йўқ.

Негаки, Урганч топоними анча қадимий атама бўлиб, Ўрта Осиёда туркий халқлар пайдо бўлмасдан ҳам олдин мавжуд бўлган.

Профессор Зарифбой Дўсимов олиб борган илмий тадқиқотларидан келиб чиқиб шундай якуний фикрга келади: "Урганч топониминнинг биринчи компоненти "уру" хоразмий тилида "катта" маъносини билдирган ва Уруканд-Уруканз-Уруганж-Урганч каби шаклланган. Демак, бу тополним "катта шаҳар, катта қалъа" маъносига эга.

З. Дўсимов ўз фикрини асослаш мақсадида мавзуни теран тадқиқ қилади: "Урганч топоними вужудга келиши хронологияси билан хоразмий даврига мосдир. Унинг кейинги қисми, "ганч", "ганж" биз кузатаётган "кант" компоненти билан алоқадордир. "Кант" ёки "канд"нинг "ганж"га айланиши ҳақиқатга анча яқиндир. Хоразмий тилининг маълум бир босқичида "t" ва "с" товушлари "дз" (бизнинг "з"га яқин) ҳолатида бўлган. Сўнгги туркий аҳоли тилида "ж"га айланган. "tс-дз-ж" ҳодисаси юз берган. Хоразмий тилида фақат шу тилга хос бўлган "з" товушининг борлигини машҳур россиялик тилшунос А.А.Фрейман ҳам қайд қилган эди. У 1950 йилларда Хоразмга келиб, Ислом динидан олдинги даврдаги хоразмийлар тили, фонетикасини ўрганиб, "Хорезмский язык" номли китобини 1953 йилда Санкт-Петербургда нашр қилдирган. Ушбу китобда 3000 сўздан иборат хоразмликлар шевасига оид сўз ва иборалар изоҳлаб ўтилган. Жумладан, у "с" ва "S"нинг "дз"га мос келганлигини ва бундай товушнинг сщ-д ва осетин тилларида йўқлигини айтади.

Шундай қилиб, "кант" компонентининг кейинги даврларда "ганж"га айланишини қонуний деб ҳисоблаш мумкин. Сўз охиридаги "ж-ч" ҳодисаси соф туркий ҳодисадир. Номнинг биринчи қисми Урнинг эрон тилларидаги "хур" ("хуршид-қуёш) орқали изоҳланиши топонимик қонуниятга тўғри келмайди. "Қуёш шаҳри" ёки "бахт шаҳри" типида эмоционал-экспрессив усулда ном қўйиш топономияда деярлик учрамайди. Гарчи Урганч топонимини хоразмий даврининг "кат" этапига мансуб деб ҳисоблар эканмиз, унинг изоҳини ҳам шу даврдаги тилдан, яъни эрон тилларининг шарқий группасига мансуб тиллардан билиш мумкин.

Шундай экан, Урганч топониминнинг биринчи компоненти "уру" хоразмий тилида "катта" маъносини билдирган ва Уруканд-Уруканз-Уруганж-Урганж-Урганч каби шаклланган. Демак, бу топоним "катта шаҳар, катта қалъа" маъносига эга. ("Хоразм топонимлари", Т. "Фан"нашриёти", 27-28-бетлар).

Маълумки қадимда "гур" сўзи "нур" маъносини ифодалашини академик ватандошимиз Муҳаммаджон Йўлдошев таъкидлаб ўтган ва "Гурганж" — "Нурли тупроқ" деган маънони билдиради дея ҳисоблаганди.

XI асрда яшаган буюк аждодимиз Маҳмуд Қошғарий ўзининг "Девон-ул-луғотит турк" асарида Журжон — Гургон сўзига "Чин йўлида мусулмонлар чегарасидан бири" дея қисқа изоҳ берган, бироқ манзил сифатида ўрнини кўрсатиб ўтмаган. Қошғарий асарини нашрга тайёрлаган С.Муталлибов Журжон ўша даврдаги Хоразмнинг пойтахти эканлигини таъкидлайди ва араб сайёҳи Ёқут ал Ҳамавийнинг (1179-1229) "Муғ-жамол булдон" асаридан мисол келтирганди: *"Журжон Гургоннинг араблашганидир. Журжон Хоразм ўлкасига тегишли катта бир шаҳардир. У Жайҳун қирғоғидадир. Аслида хоразмликлар Жайҳуннинг шарқидаги Мансура деган шаҳарда яшар эдилар. Жайҳун уни ювиб кетди. Ундан асар ҳам қолмади. Сўнг улар Гурганчга кўчдилар. Шаҳар кундан-кунга кенгайиб обод бўлди. Гурганчни 616 ҳижрийда (милодий 1220 йил) мўғул татарлар истило қилиб хароб қилмасдан олдин, ўз кўзим билан кўрганман. Мен бундан каттароқ, чиройлироқ, тўкисроқ бир шаҳар кўрганимни билмайман".*

Тарихий фактлардан ҳам аёнки Хоразмга пойтахт вазифасини тарих мобайнида Урга, Маздакент, Тупроққалъа, Қўйқирилганқалъа, Кат, Гурганч, Вазир ва Хива шаҳарлари бажарган. Ёқут Ҳамавий айтган Хоразм пойтахти Мансура, бошқа манбаларда Кат (Қиёт) дея аталган шаҳар ҳам ўз даврининг машҳур шаҳарларидан бўлиб, бу диёрда 973 йилда буюк аллома Беруний туғилганини таъкидлаш лозим. Маълумки Катни Амударё сув остига олгач, пойтахт милодий 995 йили янги ҳудуд — Гурганчга кўчган. Ўша вақтларда ушбу шаҳар — Гурганч кичикроқ шаҳар бўлган.

"Хоразм шаҳар эмас, умуман ўлканинг номидир. Пойтахтга келсак, уни Журжония деб аташади. Маҳаллий аҳоли уни Курканж (Гурганж) дея атайди, аммо бу ном арабчалашиб арабларда Журжония деб талаффуз қилинади" дея ёзади Ҳамавий. Бироқ араб сайёҳи ва савдогари Ҳамавий шаҳарнинг кўркамлиги, бой ва ободлигидан ҳайратланган бўлса-да, айнан шаҳар номининг келиб чиқиши, тарихи ҳақида маълумот бериб ўтмаган.

Таниқли ҳуқуқшунос ва тарихнавис Анвар Шукуров "Нур устига нур ёғсин" номли асарида (Т. 2013 йил) "Урганч-Гурганч-Кўрганч сўзларидаги "у" ҳарфини "ў" деб талаффуз этсак хато бўлмайди — Ўрганч, Гўрганч, Кўрганч каби. Мазкур вариантлар ўзаги аслида "кўргон-Қўрғон" бўлганини фараз этиш мумкин. Бундай тахминга олиб келган Гўрган (Кўрган) сўзи билан Амир Темур номидаги Кўрагон (Гўрагон) сўзи араб имлосида бир хил ёзилиши тасодиф бўлмаса керак. Хоразм пойтахти Гўрганч (Кўрганч) Ўрганч номи Амир Темурнинг Кўрагон (Гўрагон) лақаби жуда қадимги тарихий анъанадан дарак беради" (ўша асар, 66-бет) дея ўз фикрини билдириб ўтади. Анвар Шукуровнинг фаразича Қўрғон-Кўрагонга, ундан сўнг эса Ўрагон, Ўрган-Урганчга айланган бўлиши мумкин. Албатта бу Анвар Шукуровнинг бир тахминий фикрлари.

Агарки Ёқут Ҳамавий келиб ўз кўзи билан кўрган, ҳайратланган Гурганч ҳақида тўхталадиган бўлсак, бу шаҳар Окс (Амударё)нинг ғарбий томонидан Фил ёки Мансура (Кат-Шоббоз-Беруний)нинг рўпарасида жойлашган кичик шаҳарча бўлган.

1573 йилда жўшқин Амударёнинг ўз йўналишини Каспийга эмас, Орол томонга буриши, ўзанини ўзгартириши натижасида Хоразмнинг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Урганч сувсизлик сабаб абгор ҳолга кела бошлайди. 1646 йилга келиб Хива хони Абулғози Баҳодирхон (1603-1664) хароба бўлаёзган Урганчни Амударё бўйидаги ҳозирги Хоразм ҳудудига кўчириб келтиради. Шаҳар номи ўчмасин дея аввалги шаҳарни Кўҳна Урганч, сўнггисини эса Янги Урганч деб атай бошлашди. Вақт ўтиб, унинг номидаги "янги" сўзи халқ тилидан тушиб қолди.

Урганч номи билан боғлиқ бир қанча қишлоқ топонимлари ҳам мавжуд бўлиб, улар Урганжи деб аталади, бу — "урганчлик" дегани. Аниқроғи, мазкур атама урганчликларнинг замон таъсирида турли даврларда у ёки бу ҳудудга кўчиб, ўрнашиб қолиши билан боғлиқ.

Ҳозирда юқорида айтганимиздек, Фарғона вилоятининг Данғара, Учкўприк, Бувайда, Андижон вилоятининг Избоскан, Пахтаобод, Наманган вилоятининг Наманган, Жиззах вилоятининг Фориш, Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманларида Урганжи номли қишлоқлар бор.

Айнан турли ҳудудлардаги Урганжий қишлоқларига келадиган бўлсак, асрлар давомида бу қишлоқлардан фақат номгина сақланиб қолганми, деган савол пайдо бўлади. Демак, тадқиқотчилар олдида Урганжий қишлоқлари орасидаги боғлиқлик, ўзаро яқинлик, урф-одат, анъаналардаги ўхшашлик жиҳатларини ўрганиш асосий мавзу бўлиб турибди.

Умид БЕКМУҲАММАД.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИДА ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Яқинда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви раиси, Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш раиси раҳбарлигида Кенгашнинг биринчи йиғилиши ўтказилди. Видеоконференц-алоқа шаклида ўтказилган йиғилишда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ, Ўзсаноат қурилиш материаллари уюшмаси, Давлат геология қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги масъуллари иштирок этди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида жорий йил 30 апрель куни ҳудудларда қурилиш материаллари ва маҳаллий саноатни янада ривожлантириш чора-тадбирларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқлар ҳамда давлатимиз раҳбарининг шу йил 9 июндаги “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, ҳудудларда мавжуд саноат салоҳиятидан, айниқса, қурилиш индустриясини ривожлантиришда норуда минералларнинг хомашё базасини ўзлаштириш имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Хусусан, керамзит, силикат қуми, шиша хомашёси, қурилиш ва қоплама тошларга эга ўрганилган конларнинг ярмидан кўпи ўзлаштирилмай қолмоқда. Натижада, санитария-техник воситалар бўйича маҳаллий ишлаб чиқариш ички бозорнинг фақатгина 40 фоизини, газ бетон блоклар – 51 фоизини, лок-бўёқ маҳсулотлари – 65 фоизини, қурилиш ойналари – 70 фоизини, девор гулқоғозлари – 30 фоизини ташкил этмоқда.

Йиғилишда Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгашнинг ташкил этилиши соҳага алоқадор барча масъул муассасалар ва тадбиркорлар билан биргаликда қурилиш индустриясини тизимли ривожлантиришни таъминлаш орқали мамлакатимиздаги табиий хомашё базасидан қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган занжирни яратиш экани алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда “Ўзсаноатқурилишбанк” томонидан Ўзсаноат қурилиш материаллари уюшмаси, маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда соҳани жадал ривожлантириш борасида тегишли ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, банкда соҳани ривожлантириш мақсадида махсус департамент ва унинг барча ҳудудий минтақавий филиалларида соҳага оид бизнес лойиҳаларни ишлаб чиқиш, тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда маҳаллий ҳокимликлар билан узвий боғлиқликни ташкил қилиш учун марказлар ташкил этилди.

Марказларга иқтисодчи, норуда фойдали қазилма конлари геологи, қурилиш материаллари саноати муҳандис-технологи, қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни лойиҳалаштириш менежерлари каби мутахассислар ишга жалб қилинди.

Марказларда ҳудудлардаги фойдали қазилма конлари, бозор конъюктураси, зарур асбоб-ускуналар, ташкил этиладиган ўқув курслари бўйича маълумотлар ҳамда тадбиркорлик субъектларига лойиҳалар, бизнес режалар, лойиҳаларнинг техник иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда кўмак бериб келинмоқда.

Бундан ташқари, халқаро “BCG” компанияси экспертларини жалб этган ҳолда Ўзсаноат қурилиш материаллари уюшмаси билан биргаликда соҳада фаолият олиб бораётган йирик корхоналарнинг мавжуд муаммолари ва уларни ечиш бўйича дастлабки ишлар бошланди.

Жумладан, халқаро экспертлар кўмагида 2022-2026 йилларда маҳаллий саноат тармоқларини жадал ривожлантириш ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Тадбиркорлар билан мулоқот қилиш, уларнинг таклифларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда банк Бошқаруви аъзолари ва Ўзсаноат қурилиш материаллари уюшмаси масъулларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, бугунги кунга қадар шакллантирилган умумий қиймати 5,25 млрд. АҚШ долларилик 1 019 та лойиҳани ҳамда янги истиқболли лойиҳаларни аниқлаш бўйича ҳудудларда ўрганишлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, 24 та ихтисослаштирилган туман ва шаҳарлар ҳудудларида қурилиш материаллари кластерларини ташкил этиш, жумладан импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб

чиқаришни янада кенгайтириш мақсадида махсус индустриал зоналарни ташкил этиш бўйича режалар ишлаб чиқилмоқда.

Ўзсаноатқурилиш материаллари уюшмаси билан “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ҳамкорликда ихтисослаштирилган туман ва шаҳарларда қиймати 1,7 млрд. АҚШ долларилик 212 та лойиҳа шакллантирилди. Лойиҳалар амалга оширилиш натижасида 11 763 та ишчи ўринлари яратилади.

Соҳадаги 500 млн. АҚШ долларилик лойиҳаларни молиялаштиришни ташкил этиш мақсадида банк томонидан 300 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағларни жалб қилиш борасида аниқ ишлар рўёби кўзда тутилган.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан масъуллар ахбороти тингланди. Келгусида амалга ошириладиган вазифалар белгилаб олинди.

Маълумот учун. *Ўзсаноат қурилиш материаллари уюшмаси ҳузуридаги Қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 9 июндаги “Ҳудудларнинг саноат салоҳиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, Кенгашга “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ Бошқаруви раиси раҳбарлик қилади.*

Банк Ахборот хизмати

Реклама ҳуқуқи асосида.

Кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида “Халқ банки: Хотин-қизлар бандлиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар сарҳисоби ва истиқболдаги режалар” мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбирда 2021 йилнинг ўтган даврида акциядорлик тижорат Халқ банки томонидан мамлакатимизда хотин-қизларни тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали улар бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари ҳақида сўз юритилди.

ХАЛҚ БАНКИ: хотин-қизлар кўмакчисига айланмоқда

Молия муассасаси томонидан 77 минг 43 нафар аёлга имтиёзли кредит ажратилди

Анжуманда акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқаруви раисининг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари Гулзода Рашидова сўз юритиб, молия муассасасининг ўтган 5 ойи давомида эришган энг муҳим ўсиш кўрсаткичлари ҳақида маълумот берди.

Хусусан, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкнинг жами активлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 7,9 трлн. сўм, яъни 37,7 фоизга ортиб, 28,9 трлн. сўмни, жами даромадлари 686,1 млрд. сўмга кўпайиб, 2,5 трлн. сўмни, соф фойдаси эса 199,3 млрд. сўмни ташкил этганлиги, Халқ банкининг молиявий салоҳияти янада юксалаётганини билдиради.

Шунингдек, банк томонидан 176 минг 358 та мижознинг 4 трлн. 509 млрд. сўмлик лойиҳалари молиялаштирилган. Натижада 94 минг 860 нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Эришилган ана шу ютуқларда молия муассасаси томонидан яратилган 30 та янги инновацион хизмат турининг муносиб ҳиссаси эътироф этилди. Масалан, “UzPay” пул ўтказмалари тизими жорий қилингач, аҳолига миллий ва хорижий валютадаги пул ўтказмаларини республикамиз ҳудудида жўнатиш ва қабул қилиш имконияти яратилди.

Мисол учун, авваллари фуқаролар йўловчи таксилар хизмати орқали узоқ ҳудудларга, айтайлик, Қорақалпоғистон Республикаси ёки Хоразм вилоятига пул жўнатса ёхуд қабул қилиб олса, 1-1,5 кун вақтини йўқотар эди. Бунинг устига, йўлда машина бузилиб қолиши, пулни ўғирлатиб қўйиш каби бир қатор нохушликлар юз бериши эҳтимоли катта эди. Эндиликда Халқ банки томонидан жорий этилган “UzPay” замонавий ва хавфсиз тўлов тизими пул ўтказмаларини бир зумда, осон ва хавфсиз жўнатиш ҳамда қабул қилиш имконини бермоқда. Келгусида “UzPay” хорижий валютадаги пул ўтказмаларини Россия ва Қозоғистон, кейинчалик бошқа мамлакатларга ҳам олиб чиқиш режалаштирилган.

Шунингдек, “Режали тўлов” картаси жорий қилиниши ҳам мижозларга жуда манзур бўлмоқда. Шу тариқа янги хизмат доирасида ҳамкорлик ўрнатилган “Медиапарк”, “Техномарт” каби йирик маиший техника савдо тармоқлари сони 225 тага етказилди. Айни пайтда “Режали тўлов” картаси орқали аҳолининг маиший техника ва мебель жиҳозларига бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида бир йил муддатга, фоизсиз қарз маблағи ажратилмоқда.

Кун тартибидаги асосий мавзу юзасидан Халқ банкининг Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш департаменти бошқарма бошлиғи Сирожиддин Раҳмонов маъруза қилди. У алоҳида қайд этганидек, республикамизда хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш масалаларига Халқ банки масъул этиб белгиланган. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан банкнинг барча ҳудудий, туман (шаҳар) филиалларида раҳбарнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш бўйича ўринбосари штатлари жорий этилди. Ҳозир бу вазифаларга тайинланган муносиб номзодлар жойларда ишбилармон опа-сингилларимизнинг энг яқин бизнес кўмакчиси, ишончли маслакдошига айланмоқда.

Халқ банки, биринчи навбатда, эҳтиёжманд, муқим иш жойи ва доимий даромад манбаига эга бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этишни мақсад қилган. Бу йўналишдаги саъй-ҳаракатлар натижасида қисқа муддатда қарийб 78 минг нафар опа-сингилларимизнинг турмуш тарзи ижобий томонга ўзгариб, уларнинг моддий фаровонлиги ошганлиги, албатта, қувонарли натижадир.

Халқ банки бу йўналишдаги ишни, аввало, ўрганишлардан бошлади. Натижада 8 минг 148 нафар аёлнинг тадбиркорлик фаолияти бўйича зарур кўникмалари мавжудлиги аниқланди. Лекин бу соҳада бошланғич тасаввури йўқ, молиявий саводхонлиги етарли бўлмаган опа-сингилларимиз бизнесда ўз йўлини топиб кетишлари қийин. Шу сабабли, Халқ банки, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, “Тадбиркор аёл” уюшмаси, Хотин-қизлар тадбиркорлик марказлари, Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмаси ва бошқа қатор нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликда аёлларимизни ўқитиш ишларини олиб боряпти.

Умуман, республикамиз бўйича жами 69 минг 877 нафар хотин-қизни ўқитиш ҳамда уларни махсус сертификатлар билан таъминлаш режалаштирилган. Ҳозиргача улардан 49 минг 174 нафари шундай сертификатлар олишга муваффақ бўлди.

Бугунги кунда 432 минг 781 нафар юртдошимиз “Аёллар дафтари”га киритилган. Уларнинг 70 мингга яқини, яъни 16 фоизи тадбиркорлик қилиш истагини билдирди. Ана шу хотин-қизларни 4 та тоифага ажратиб, ҳар бир тоифадаги аёлга индивидуал ёндашган ҳолда кўмак бериш йўлга қўйилди.

Жумладан, биринчиси тадбиркорлик тушунчаси бор аёллар бўлса, иккинчиси тадбиркорлик қилиш истагидаги йўналиш танлашга қийналган опа-сингилларимиздир. Учинчи тоифага айрим соҳада кўникмаси бор ва қобилиятли аёллар киритилди. Тўртинчи тоифа учун тадбиркорлик қилиш истаги йўқ, бироқ иш жойига талаби бор хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди. Шу билан бирга, самарали ишлаб келаётган тадбиркор аёлларнинг иш тажрибасидан фойдаланишга ва хотин-қизларнинг ўз яшаш манзилига яқин жойда бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Шу тариқа рўйхат шакллантирилди, тадбиркор бўлишни истаган аёллар аниқланиб, ўқитилди. Энди эса уларга мос пухта бизнес режа керак эди. Айни сабабдан Халқ банки томонидан ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, 72 хил йўналишда намунавий “Бизнес режа” лойиҳалари ишлаб чиқилди ва тарқатма материаллар жойларга етказилди. Ҳозир бизнес режалар турлари ва кўлами яна кенгайтириб борилмоқда.

Аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Ташаббускор аёл” имтиёзли кредити жорий этилди. Ҳозиргача ушбу турдаги кредит мамлакатимиздаги 77 минг 43 нафар хотин-қизга, 1 трлн. 627 млрд. сўм миқдорида ажратилди. Шундан “Аёллар дафтари”га киритилган 68 минг 281 нафар (98 фоиз) хотин-қизлар 837 млрд. 931 млн. сўмлик кредит олди ва 70 мингдан зиёд аёллар бандлиги таъминланди.

Мисол учун, Қашқадарё вилоятининг Қамаши тумани “Зафар” маҳалласида яшовчи Наргиза Эшдавлатовага 138 млн. сўм кредит берилди. У тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйди. Натижада “Imonaxon Faxriddinovna” оилавий корхонаси ташкил этилди. Ушбу фуқаро банк томонидан тақдим этилган намунавий “Бизнес режа”дан фойдаланган ҳолда, синтефонли кўрпа-тўшак анжомларини тикишни, шу аснода ҳудудда “Аёллар дафтари”га киритилган 6 нафар хотин-қизнинг бандлигини таъминлади. Ҳозир ушбу оилавий корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар Самарқанд ва Тошкент шаҳри бозорларида сотилмоқда.

Бундан ташқари, аёлларнинг ўз маҳалласи ёки туманидаги тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредит ҳисобига бандлигини таъминлаш амалиёти ҳам ўзини оқламоқда. Хусусан, Миришкор тумани “Гулистон” маҳалласида жойлашган “Mirishkor Textil Group” МЧЖга текстил маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун 1,9 млрд. сўмлик кредит берилди. Шу ҳисобдан 120 та иш ўрни яратилиб, “Аёллар дафтари”га киритилган 66 нафар хотин-қизнинг ҳам бандлиги таъминланди. Ушбу опа-сингилларимизга ўртача 1,5 млн. сўмдан ойлик маоши тўланмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар қўшни Қозоғистон ва Қирғизистон Республикаларига экспорт қилиняпти.

Бинобарин, бир ҳудудда ривожланган соҳани бошқа ҳудудга жорий қилиш бўйича тегишли ишлар амалга ошириляпти. Масалан, Сирдарё вилоятининг Оқолтин тумани “Бўстон” маҳалласида яшовчи фуқаро Дилором Сафарова намунавий “Бизнес режа”дан фойдаланган ҳолда гўзаллик салонини ташкил этди. Урганч шаҳрининг “Шодлик” маҳалласида “Аёллар дафтари”га киритилган фуқаро Дилноза Табирова эса 32,2 млн. сўмлик имтиёзли кредит олиб, ойига 20 дона ванна ва 30 дона раковина ишлаб чиқара бошлади.

Пахтачи туманидаги “Амиробод” маҳалласида жойлашган “Ziyovuddin Textil Invest” МЧЖга трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун ажратилган 8 млрд. сўмлик кредит ҳам ҳадемай ўз самарасини кўрсата бошлайди. Яъни, лойиҳа тўлиқ ишга туширилгач, тумандаги “Аёллар дафтари”га киритилган ва ушбу корхонага яқин ҳудудда жойлашган маҳаллаларда истиқомат қилувчи 400 нафар ишсиз бўлган хотин-қизлар шу корхонада иш билан таъминланади.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, Президентимиз томонидан хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган сиёсат ва унинг дастлабки натижаларидан халқимиз хурсанд. Халқ банки эса ана шу ислоҳотларга ўз ҳиссасини қўшиб келгусида бу йўналишда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни янада изчил давом эттиришга бел боғлаган.

Ҳ. ҚОДИРОВ.

Реклама ҳуқуқи асосида.

НАСР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат мукофоти лауреати, Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти соҳиби, профессор Муҳаммад Али яқинда халқимизнинг тарихий илдизларини теран ўрганишга қаратилган, янги “Клеопатра” тарихий романини ёзиб тугатди. Адабиётимизда ўзига хос янгилик бўлиши кутилаётган, қизиқарли сюжет чизиғига эга бу асар буюк миллий қаҳрамонимиз Спитамен, аниқроғи, унинг жанговар қизи Апама авлодига бориб тақаладиган, машҳури замон момомиз, милоддан аввал 69-30 йилларда яшаган Мисрнинг сўнгги маликаси ҳаётига бағишланган. Гўзал ва қудратли аёл Клеопатра Спитамен қизи Апаманинг ўнинчи авлоди эканлигини кўпчилик билмаслиги мумкин.

Улуғ инсонларнинг қайси тупроқда туғилгани, унинг илдизи қайси Ватанга бориб уланиши катта аҳамиятга эга. Бу эса Ватаннинг улуғлигини, она заминнинг хосиятли эканини дунёга кўз-кўзлайди. Буюк Клеопатра асл аждодлари туб илдизи орқали бизнинг ота маконга, она тупроққа келиб уланмоқда...

Қуйида ушбу фавқулодда ғаройиб ва қизиқарли романдан бир парча беришни лозим деб билдик. “Клеопатра” романи “Жаҳон адабиёти” журналида тўлиғича эълон қилинмоқда.

Муҳаммад Али,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

КЛЕОПАТРА

(Романдан парча)

* * *

Буюк Искандарнинг қадами етган, Цезарь яхши кўриб Юлиополь деб ўз номини қўйишни орзулаган Тарс, Киликиянинг машҳур ва бой шаҳарларидан ҳисобланарди. Атроф ерлар ниҳоятда ҳосилдор, узуми яхши бўлади, мевалари шиғил-шиғил тўкилибгина қола қолади, тариқзорлар, кунжутпоя, буғдойпоя ва арпапоялар шовуллаб ётади. Эчкилари ангора эчкиларига ўхшаган зотдор. Мамлакатнинг узум шароби, заъфарони, зайтун, олма, анорлари қўшни юртларда ҳам машҳур.

Шимолдан жанубга оқадиган Кидн дарёси шаҳарни иккига ажратиб жанубга – Улуғ денгизга бориб қуйиларди. Дейдиларки, бир пайтлар Буюк Искандар худди шу ерда сувнинг бағоят тиниқлигига ҳавас қилиб чўмилгиси келибди, суви совуқлигидан бехабар дарёга ўзини отибди ва зотилжам касалига йўлиқибди.

Бугун тонг саҳардан шаҳар ҳаддан зиёд бошқача бир таважжуҳда... Қандайдир тантана руҳи ҳукмрон. Ёқимли куз ҳавоси, шимолдан эсаётган енгил шабада кўнгилларга хуш ёқарди.

Шаҳарнинг катта кўчаси аста-секин гавжумлашиб борарди. Бозорлар ҳам бўшаб қолди, дўконлар эшиклари тақа-тақ ёпилди. Уйлардан чиққан одамлар, хотин-халаж, халойиқ марказий майдондан ўтиб кўчани тирсиллатиб Кидн дарёси бўйига, бандаргоҳга қараб оқа бошлади. Антоний бозор майдонидаги баландликда муваққат тахтда ўлтирар, Миср маликасини шу ерда кутиб олмоқчи, кейин қасрга меҳмонга таклиф этмоқчийди. Атрофида Домиций, Вентидий, Статион, Канидий сингари саркардалар мағрур туришарди.

Қош қорайиб бораётганда дарёда шоҳона бир кеманинг шаҳарга яқинлашаётгани шов-шуви атрофни тутиб кетди. Соҳилдаги одамлар кемага тикилишиб, тиллари лол, фақат: “Во-о-о!..”, “Во-о-о!..” дейишарди. Қимматбаҳо миср оғочидан ясалган, ранг-баранг катта шамларга кўмилган чароғон кема эртаклардагидек афсонавий, сирли ва жозибадор эди, атрофга муаттар бўй, хуш ҳид таратарди. Номи чиққан, дунё кезган Канидий, Домиций, Статион сингари кўзи пишган саркардалар ҳам ҳали бунақа мўъжиза кемани кўришмаганди.

Ҳаммани чексиз ҳайратга солган мусиқа овозлари ҳам тинди. Қараган кўзини ололмас, анграйганча томошадан бўшамасди. Кеманинг зарҳалланган тумшуғи нурафшон чироқлар нурида ярқ-ярқ қилар, қирмизи рангдаги елканлар шабадада беҳолгина титрар, кумушранг эшкаклар наволарга ҳамроз бўлиб тўлқинларни майин-майин эшарди. Миср маликасини кузатиб келган тўрт юз кема дарёга сиғмасдан этаги Улуғ денгизда чувалиб қолди. Дарёнинг икки соҳили одамга тўла, уларнинг ичида ортда кузатувчилар, олдинда кутиб олувчилар ҳам бор, гоҳ-гоҳ янграган сибизғаю сурнай, кифаралар, систр, доираларнинг қоришиқ дағал суронидан кемани қуршаб олган кўнгилларни аллалаб, атрофга хуш кайфият бахш этаётган нозик наво оҳанглари беҳолгина озорланади...

Кеманинг ўртасида ҳарир заррин пардалар соясида Афродитанинг нафис либосига ўралган Миср маликаси Клеопатра Филопатор момиқ тўшакларда хиёл ёнбошлаб ўтирар эди. Хипча белида гўзаллик маъбудасининг ақлни ўғирлайдиган сеҳрли рангин нақшланган балои офат тасма-камари яққол кўзга ташланади. Икки ёнида худди суратлардаги Эрот[1] сингари қўлларида ранг-баранг елпиғичлар тутган хушбичим болажонлар холис хизматда... Харита ва нереидаларга[2] ўхшаб ясаниб-тусанган ёқимли ҳурлиқо нозик-ниҳол жориялар қай бирлари омонатгина кема қуйруғидаги сувни оҳиста шалоплатаётган кумуш эшкаклар олдида, бошқалари кема дори арқонларига назокат билан суянганча кема чайқалишига ҳамоҳанг тебранишаркан, болажонларга қараб-қараб қўйишар, ўртада бир гуруҳ қизлар рақсга тушишарди. Жуда кўп исириқдонлардан тутатқилар таратаётган хушҳид ва муаттар бўйлар соҳилни тутиб кетганди.

Клеопатра эсласа, ҳали шу пайтгача атай кимнидир мафтун этай, ясан-тусан қилай, ўзимга оро берай, тақинчоқларимни тақай, эс-ҳушини ўғирлай, деб иш тутган эмас экан. Бундай одати йўқ, бунга эҳтиёж ҳам сезмайди. Ҳатто Цезарь билан учрашувда ҳам бу ҳолат кузатилганмас. Одамлар уни кўриб, бир оғиз сўзини эшитишгач, тамом, жозибасига учиб, ўз-ўзидан боғланиб қоладилар. Бундай ҳол маликанинг насибасига айланган...

Лекин Антоний билан учрашувга малика нимагадир умрида илк бор астойдил ҳозирлик кўрди. Уч марта шоҳона кеманинг ясалишини бориб назорат қилди. Салобати ортиши учун кема тўрт мачталик бўлишини, мачталарга обдан қуриган, силлиқ рандаланган Сурия мирзатеракларидан танланишини уқтирди, токи узоқлардан ярқираб кўриниб турсун. Тўрт томонда қирмизи рангли елканлар бўй кўрсатсун. Бўлмалари файзли ва шинам қурилсун. Чиройли безатилган икки хона — бири Исида, иккинчиси Дионисники, — ёнма-ён бўлсин...

Малика одатда пардоз-андоз ишларига катта эътибор беради. Аввало, илиқ сутда чўмилиб чиқади. Кейин пардозга киришади. Кўзга оро бериш унинг севган машғулотларидан бири. Инсоннинг гўзаллигини яққол кўрсатадиган нарса – бу кўз, Клеопатра назарида. Кўзнинг парвариши шундайки, унга аталган қора рангдаги бўёқ шаҳло кўзнинг киприкларига, жиякларига ва қошга бир хил қуюқликда қўйилмоғи мақсадга мувофиқ. Шунда кўзнинг оқи, қорачиғи фавқулодда тиниқ ва ёрқин кўринади. Бундай кўзни “гапиргувчи кўз” деб атайдилар. У имо-ишора қилмайди, қатъий тикилиб туриши билан ҳамма гапни англата олади.

Яна бир нозик нарса бор: тўқяшил рангли ҳабаш малахит тошини обдан майдалаб лубнон мойига қориштирилган бўёқдан бодом қабоққа фил суягидан ясалган нозиккина нилчўп билан оҳиста-оҳиста суртилади... Малика ҳамиша тирноқларини қирмизи рангга бўяшни истайди. Қопқора сочларини хино билан ювади, юзларидан эса упа-эликни дариғ тутмайди, Сирбонид денгизидан келтирилган қимматбаҳо моддани тоза кумуш кукунларига аралаштириб юзларига тортади. Танасига таранг ёпишиб турган заррин либоси ўзига жуда ҳам ярашади, қадди-қоматини бўрттириб, яна ҳам гўзалроқ кўрсатаркан, нозик бадан латофати, кўрки яққол кўзга ташланиб, кўнгилларни ғорат этади...

Клеопатра Шарқ ҳукмдори, триумвир Антоний билан учрашмоқ учун йўлга чиқар экан, дориламон салтанат маликаси сифатида беҳисоб бойликлар, нодир инъомлар, қимматбаҳо либослар, зебу зийнатлар, керагидан ортиқ ақчалар ҳам ғамлаб қўйди, лекин асосан, умиди ўзининг сеҳру жодусидан, кўрку малоҳатидан эди. Малика ҳозир йигирма саккиз ёшда, бундай паллада аёлнинг ҳусни-латофати гул-гул очилиб камолга етади, ақли ҳам тўлишиб, теранлашиб, ўткирлашиб одамнинг хато қилишига асло йўл қўймайди.

Ҳамманинг назарида Тарсга Клеопатранинг эмас, балки гўзаллик ва севги маъбудаси Афродитанинг Олимп тоғидан тўппадан-тўғри тушган олтин кемаси кириб келганга ўхшаб кетди. Шаҳар хурсандчилик, шовқин-сурон, фавқулодда ҳаяжон оғушига чўмди. Ҳар ёқни одамлар тутиб кетган...

— Осиёнинг саодати деб гўзал Афродита ўзи Дионис ҳузурига ташриф буюраётир!.. — деган сўзлар янгради одамлар орасида.

— Афродита! Дионис!

— Афродита қандай гўзал! Гўзал малика! — хитоблари эшитилди кетма-кет.

Кема атрофини ўраб олган халқ теваракда хийла ўралашиб, ивирсиниб юрди. Ҳамма ҳоликудрат Миср маликасига жилла қурса бир бор нигоҳ ташлаш умидида кезар, унинг одам зотиданми ёки йўқми, эканини ўз кўзи билан кўришни истар, бундай бетакрор манзарадан баҳраманд бўлишга ошиқарди.

Аммо Клеопатра кемадан тушмади.

Аста-аста одамлар сийрак торта бошлади.

Деллий бандаргоҳдан ҳаллослаб Антоний ҳузурига етиб келди.

— Императорим, бизлар Миср маликаси томонидан зиёфатга таклиф этилдик! – хурсандлигини яширмади саркарда.

— Биз меҳмонни қасрда кутмоқчи эдик-ку... — триумвир гангир-гунгир қилиб тарқалаётган одамлардан кўз олмай.

— Шундоқ эди... Аммо... Миср маликаси мезбонлик вазифасини адо этмоқчи эканлар. Шарқда биз мезбонмиз, мезбонлигимизда турурмиз, Рим императорини ўзимиз меҳмон қилурмиз, дебдилар малика... — тушунтирди Деллий. — Ўн икки саркардага айтиб ҳам қўйдим...

Деллий Клеопатранинг шумлигини англади: у бировнинг олдига келмоқчи эмас, балки биров унинг ҳузурига ташриф буюрсин. Ҳа, ақлли аёл Клеопатра, ўз қадрини билади! “Лекин Марк буни ўйлаб ўтирмайди...” деди ўзига ўзи Деллий ичида.

Антоний, аксинча, маликага мулозамат кўрсатишга, ўзининг ҳайрихоҳлигини сездириб қўйишга шошилди:

— Қани, Деллий, кетдик! Вақт ўтмасин, кетдик!

Меҳмонларни Аполлодор билан Виссарионлар, бандаргоҳ олдидаги майдонда ўйин-рақсларга тушаётган раққос ва раққосалар, сурнайларни чийиллатадиган, кифараларни данғиллатадиган, лира, систрларни чалиб қийворадиган моҳир мусиқачилар кутиб олишди. Виссарион Мелиссани рақсга тортди:

— Меҳмонларга қарашимиз керак! Ўйинга бало борму?.. Тез бўл, анқайма! — карашмали бироз жеркиш оҳангида Мелисса, ер остидан жилмайиб қараб қўяр экан. Виссарионга қизнинг ана шундай тутуми, ҳатто енгилгина жеркиб қўйиши ҳам хуш ёқар, жўрттага ҳамиша ғашига тегишга интиларди.

Антоний завққа берилиб, қийқириқлар остида ўйинга ҳам тушиб кетди. Халойиқ гуриллаб қарсак чалиб юборди. Бунинг сабаби, тарсликлар Антонийни яхши кўрардилар, чунки у икки йил олдин Кассий босқинидан азоб тортганлар бошини силади, қулликка сотиб юборилган шаҳар фуқароларига ҳурлик берди, айрим солиқлардан озод қилди.

Триумвир бошчилигида саркардалар Канидий, Домиций, Статион, Деллийлар кемага киришганида, кўз олдиларида гўзал безатилган чароғон меҳмонхона намоён бўлди. Ҳамма ёқда чироқлар, шамлар пориллаб нурлар таратиб ёнар, кўнгилларга хуш ёқувчи сурнай ва сибизға садолари майингина атрофга таралади. Деворларига тилла ва кумуш иплардан тўқилган гиламлар осилган, меҳмонлар пойига гуллар тўшалган.

Шоҳона дастурхоннинг покиза ва саришталиги Антонийга жуда ёқиб тушди: у базмлар, башанг дастурхонларнинг қадрига етадиган, зиёфатларга ҳавасманд, таомга ўч, ширинтомоқлардан ҳисобланарди. Унинг бағрикенглик, тантилик одати бор эди, у ўзини катта олмас, жанг маҳаллари дуч келган аскар ёнига бориб ўтириб бирга овқат ҳам еб кетаверарди. Қўшинни ораларкан, ўтиб кетаётиб, овқат еяётган аскар луқмасига қўл узатиб: “Мазаликми?” дея бир бўлагини оғзига солар, буларнинг бари аскарларнинг унга ихлосини оширарди. Хотин зотига ўчлиги яхши фазилатларини бўрттириб турарди, кўпларга бу ёқарди, чунки ишқий ўйинларда гоҳо, бошқаларга ҳам йўл кўрсатиб, қўллаб юборар, ҳазил-мутойибани ёқтирар, “Антоний хотин деса томдан калла ташлайди” қабилидаги ҳазилларни ҳам самимий кулиб эшитар, асло кўнглига олмасди. Содда ва очиққўнгил Антоний кимнидир хафа қилса, дарҳол ундан чин дилдан кечирим сўрар, гуноҳкорни жазолаш лозим эса унга кўпроқ ҳадялар бериб орадаги ғуборни йўқотиб юборарди.

Малика таъзим билан Антоний ва унинг яқин дўстларини ясатиғлиқ стол атрофига таклиф этди:

— Худди ўз уйингизда ўлтиргандек ҳис этинг ўзингизни! — деди табассум билан Клеопатра.

Башанг зиёфат, дид билан ёзилган дастурхон улуғвор ва тўкин-сочин эди. Меҳмонлар тилла ва кумуш жомларда шарбатлардан тотдилар. Заррин косаю идишларда мазали таомлар тановул айладилар, майи нобдан ҳам тортилди. Димоғлар қизишга турди.

Гўзаллар гўзали Миср маликаси Клеопатрани яқиндан кўриб Антонийнинг юраги ҳаприқиб кетди, бошидан эс-ҳуши учгандай бўлди! У бу қадар беқусур, барно, жонон, офтобжамол, бир балои офат, ёш нарсани ҳали умрида учратмаганди! Тўғри, хотини Фулвия ҳам киши суқи кирадиган келишган аёл, лекин очиқ айтганда, назокатли Клеопатрадан анча қуйида турар экан. У шундай беқиёс кўрку ҳусн соҳибаси билан бир даврада ўтирганидан чексиз бахтиёр ҳис этарди ўзини. Маҳлиёларча қараб тураркан, даврани бошқариб, хизматкорларга иш буюриб, меҳмонларга илтифотлар кўргизаётган нозанин маликадан бошқа ҳеч кимни илғамас, ҳеч нарсани сезмасди. “Мақтаганим тўғримикан?.. Рост айтибманму?..” дегандай Маркни кузатаётган Деллийнинг ўзи ҳам Миср маликасидан кўз ололмас, унинг таниб бўлмас даражада сулувлашиб кетганидан ёқасини ушларди.

Антоний илк бор Клеопатрани Цезарь маъшуқаси сифатида Римдаги виллада кўрганди. Ўшанда ясаниб-тусанган, кўрку ҳусни камолига етган, яшнаб турган соҳибжамол малика император обрўсига обрў қўшадиган шон-шавкат ва гўзаллик тимсолидай туюлганди.

Тарсда эса триумвир, Цезарь аскарларига ёрдам бера олмаганидан хижолат, ялиниб-ёлворган, раҳм-шафқат тилаб қисинган, ердан бош кўтармаган Клеопатрани кўраман, деб ўйлаганди. Аммо у ҳайратда қолди: рўпарасида хиромон айлаб юришларидан улуғворлик ёғилган таннoз, ўзига қаттиқ ишонган, салтанат жозибасидан беҳад ғурурланган дилдор бир санам турарди! Бу Шарқ аёли эди, очиғи Антоний шундай аёлни орзу қилиб юрарди!

Мамнун жилмайган Клеопатра триумвирдаги тағайюрни сезди, аммо билдирмади, унинг нигоҳини илиб олмоқчи эканларини ҳам фаҳмлади, бироқ тутқич бермай, буёқдагиларни азобга солди...

Антоний бир нарсага иқрор бўлди: Клеопатранинг гўзаллиги биринчи қарашданоқ маҳлиё этиб қўядиган монанди йўқ барно эканида эмас, балки теран идроки, ярашимли муомаласи, ҳар бир сўзидаги фавқулодда ишонтирарли сеҳр, беқусур ҳаракатларининг ўзаро уйғунлашганида мужассам эди. Унинг овоз оҳанглари сўлим наводай қулоққа хуш ёқарди, тил-забони бамисли кўпторли мусиқа асбобидай товланиб ҳар мақомга, ҳар лаҳжага туша оларди. Нигоҳида шундай фусун бор эдики, қараганнинг мафтуну маҳлиё, вола-ю шайдо бўлмай иложи қолмасди. Тикилганда одамнинг ичидагини туб-тубигача кўра олишига не дейсиз? Гўзал сохт-сумбат, сулув қад-қомат, келишган оёқлар эса айрича таърифу тавсифларга муносиб... Тиниқ чеҳраси нурда ювилгандай тоза, бежирим ўткир ияги, қирра буруни ниҳоятда ўзига ярашган эди... Қопқора сочлари тўлқинланиб турар, жозибаси тош кўнгилни ҳам эритиб юборар, ноз-карашмаси ҳар қандай эркак зотини ақлдан оздирарди.

— Майи нобдан қуй, майи нобдан! – буюрди чаккалари қизий бошлаган Антоний Деллийга қараб ва секин шивирлади: — Сув қўшмай бер! Бугун икки катта мамлакат ҳукмдорлари дийдорлашишмоқда ахир!

— Бош устига, императорим! — Деллий тилла қадаҳларни тўлдирди. — Янги таом ҳам келтирилди, мана...

— Менга ҳам узат! — қўшилди Домиций.

Деллий қадаҳни тўлдиракан, Домицийга шивирлади:

— Шароблардан эҳтиёт бўлиш керак...

— Нимага?

— Миш-миш юрибди, гўё Миср маликаси барини Фива коҳинларининг сеҳрли дуолари билан тайёрлатганмиш... Ичганнинг бошини айлантириб қўярмиш, бало-қазоларга гирифтор қилармиш...

— Ҳали бош айланишига анча бор... Айлантирмай қуй дадилроқ! — буюрди Домиций.

Клеопатра Антонийга зимдан назар ташлади: кўркам ва басавлат кўринади. Кенгпешоналиги, қирғийбурунлиги, калта қирқилган қалин қора тим соқоли довюракликдан нишона. Жасоратлилиги ҳам бор. Худди рассомлар ва ҳайкалтарошлар тасвир этган Гераклга ўхшаб кетади. Малика қачонлардир унинг аждодлари Гераклга бориб уланиши, аниқроғи, Гераклнинг ўғли Антондан бошланиши ҳақида эшитганди. Бу афсона унга, чиндан ҳам, муносиб! Эгнидаги туника[3] устидан белбоғ боғлаган, ёнида узун қилич осиғлиқ. Ичкиликни ёқтиради, кўриниб турибди. Эр кишининг ичиши ҳеч кимга янгилик эмас, айб ҳам саналмайди...

Клеопатра ясаниб олишган Ирада, Хармиона, Мелиссаларга меҳмонларга тезроқ таомлар тарқатишни буюрди. Саркардалар чаққон ҳаракат қилаётган сийналари диркиллаган дўндиқ ва дўмбоқ жорияларга қараб тамшаниб қўйишар, айримлар ёнидаги шеригига энгашиб қулоғига нималарнидир шивирлар, шериги эса қизлардан кўз узмай жилмайганча бош тебратиб тасдиқлар қўярди.

Бошида тортиниб, сипо ўтирган меҳмонлар тобора тиллари ечилиб, баҳри диллари очилиб эмин-эркин суҳбатга киришиб кетишса, бу – давра об-ҳавосининг юқори даражада эканидан далолат. Канидий ўнг ёнидаги Вентидий билан нималардир ҳақида баҳслаша бошлади. Ширакайф Деллий биров эшитмаса ҳам, алланима ҳақида гап сўқар, Статион ўзи ўтирган заррин ўриндиқни ҳар замонда бир силаб қўяр, ғаройиб нақшларини қайта-қайта кўздан кечирарди. Этакроқда жойлашган, бурнининг учи қизарган саркарда Домиций эса ҳеч нарса билан иши йўқ, семиз қирғовулни паққос тушириш билан овора...

Ўртада раққосалар ўз санъатларини намойиш этишар, хизматда елиб-югуришаётган нафис либосларга бурканган жориялар малика атрофида парвона эдилар.

Антоний ниҳоят Клеопатранинг чарақлаган нигоҳини тутиб олди, тутиб олдию қўйиб юбормади! Клеопатра тортиб олай деса, кучи етмади! Бир-бирига нақшланган нигоҳларда дунёнинг аввалию охири, ҳаётнинг юксак парвозию чуқур инқирози, сарҳадсиз саодатию беомон кулфати, завқ-шавқию, сурур-эҳтироси, умид-армони, бало, офат... бари-бари жобажо эди! Бари онг ортида ётарди. Буни биров англата олмасди, англаб ҳам бўлмасди... Фақат иккиси тушунарди. Тушунармикинлар?.. Булар рўёми ёки ўнгда юз бермоқда эдими?.. Улар ҳозир Миср маликаси кемасида эмаслар, бу ер Тарс ҳам эмас, Антоний триумвирмас, Дионис!.. Олимпдан отилиб чиқиб, фалакларда учиб борарди... шу пайт рўбарўдан Клеопатрамас... йўқ... маъбуда Исида Олимпга қараб парвоз қиларди! Нигоҳлар осмони фалакда бир-бирига тўқнаш келдилар...

Шу аллозда қанча турдилар экан, бир лаҳзами, бир сониями, кунми, ойми, йилми, аср... Буни биров билмади. Шу қарашда ҳар иккиси ҳам ичларида: “Жоним сизга тасаддуқ!” дейишарди холос бир-бирига...

Бевафо Цезарь фожиасидан кейин эркак зотидан кўнгли совиб кетган Клеопатранинг музлаган юрагида бирдан ишқ офтоби балқиди! Беомон ишқ ҳадангги Клеопатранинг унча-мунчага бўй бермайдиган мағрур қалбига бориб тегди!.. Малика ҳали шу ёшга келиб покиза ишқ-муҳаббатнинг тоза ҳавосидан бунчалар тўйиб нафас олмаган эди! Гўзал ва зукко аёлни кўрганлар ичида табиий равишда: “Шундай маъбуда монанд соҳибжамол, бетимсол соҳир сийналар соҳибасининг ҳам севгани бормикин? У кўнгил берган одам ким экан? Бу ғунчадан ҳам нозик дудоқлар, дудоқлардан учган бўсалар, оқ томоқ, нозик адо сарвқомату толма бўйин, гули латофат кимга насиб қилар экан?..” — деган ўйлар кечарди.

“Менга нима бўлди?..” — дер эди Клеопатра ўзидаги фавқулодда ўзгаришдан ҳайратда...

Малика ҳам билмай севиб қолганди! Уни Антонийнинг бўй-басти, содда сажияси, дўлвор табиати, ўзига ярашадиган баҳарнав дағаллиги, жангарилиги, айни пайтда кўнглининг очиқлиги, оқибатли инсон экани мафтун этди! Зукко малика йигитнинг кўзларига боққанда, шу фазилатларни кўролди, кўзларининг туб-тубини нурлантириб турган покиза туйғулар шуъласини илғади. Уларга ишониш керак, улар жилва эмас, чинакам шуълалардир.

“Менга нима бўлди?..” — дер эди Антоний ҳам ўзидаги фавқулодда ўзгаришдан ҳайратда... Ишқ-севги ҳам қазодай нарса, қачон келиши номаълум, келса бирданига, айтмасдан келади.

— Муҳтарам триумвир жаноби олийлари! — кутилмаганда сўз бошлади Клеопатра қўнғироқдай овози билан Антоний хаёлларини бўлиб. — Сиз ва саркардаларингиз шу дастурхон атрофида бўлган буюмлардан нима хоҳласангиз олишингиз мумкин, барини сизларга атадик, бизлардан туҳфа деб билингиз. Биз мисрликларнинг урф-одатимиз шунақа...

Ҳеч ким бундай бўлишини кутмаганди, Домиций Вентидийга қаради, Канидий Деллийга тикилди, Деллий: “Ростми?..” дегандай Антонийни излаб қолди...

— Ҳимматлари учун қуллуқ! — деди Антоний, маликанинг бу тутуми ҳам триумвирни ҳайратга солди.

— Аполлодор! – буюрди Клеопатра. – Ҳар бир саркардага ўзларининг ўлтирган заррин ўриндиқлари, кумуш қошиқлар, заррин жомлардан ҳадя этилсин. Мулозимларга буюргилки, эҳтиромга сазовор меҳмонларимизнинг ҳар бирига биттадан тахтиравон ажратсинлар, ўзгалари кумуш эгар-жабдуқли дулдул отлар билан сийлансинлар. Кўчада ҳурматли меҳмонларни ёлғиз ўзларини юбормасинлар, уларнинг олдида ҳабаш-қулларимиз машъалаларни баланд кўтариб борсинлар...

— Бош устига, Клеопатра жаноби олиялари! — чуқур таъзим қилди Аполлодор гул-гул яшнаган ўзининг суюкли маликасига бир кўз қирини ташлашга журъат айлаб: “Ерга қара, бадбахт!.. Кўзинг тегади!!.” — тергади дарҳол ўзини ўзи.

Деллий ва бошқа саркардалар питирлашиб насиб этган совғаларни тезроқ олиш пайида куйманишарди. Статион эса: “Наҳотки шу олтин ўриндиқ меники?..” — дея кўзларига ишонмасди. Фақат триумвир, император, консул Антонийгина худди оёғига оғир тош бойлангандай ўлтирган жойидан жилмас, ҳамма нарсага бепарводай боқар, хаёлларга чўмганча лом-мим демас, унга ҳеч қанақа совға керак эмасдай туюларди.

— Император жаноби олийлари! Ўзлари қандай совға танлайдилар? — жон олар табассум билан сўради Миср маликаси... Уни триумвир нимадандир ранжиб қолмадимикан, деган хавотир босди. Чунки малика тақдири, Миср мустақиллиги бу зиёфатга боғлиқ эканини Клеопатра яхши тушунарди.

Гулчеҳралар гўзали Миср маликасига бу табассум шундай жозиба бахш этдики, Антоний назарида унинг чиройи юз чандонга ошиб кетди! Оҳ, шунчалар ҳам бўлурми Римнинг бир боласини ўтга ташлаш, чўққа отиш! У ҳали Клеопатра билан Мисрни Римнинг бир вилоятига айлантириш даркорлиги, Парфияга отланиш учун лак-лак Миср қўшини кераклиги, тўғри, Афинадан, Эфесдан легион-легион аскарлар келишини аниқ қилиб қўйган, лекин бу борада Мисрга катта умидлар боғлаётгани, камида икки йил саваш қургувчи қўшинга озиқ-овқатлар, отларга ем тайёрлаш зарурлиги, аскарларга ҳақ тўлашга ўн беш минг талант ақча ундириш лозимлиги бўйича кескин талаблар қўйиб, жиддий учрашув ўтказмоқчи ва дамни ғанимат билиб зудлик билан Парфия сафарига жўнаб кетмоқчи эди. Лекин маликанинг гўзал ва ақлли кўзларига қараб, ойдай ёруғ чеҳрасига тикилиб шундай сўзларни айта оладими, шунга қурби етадими? Ҳозир Антонийга, поймимга тиз чўк, таъзим эт, деса, шундай қилмасликнинг имкони топиладими?.. Йўқ, Антоний ўзига ишонмайди!

— Наҳотки, сизга ҳеч нарса ёқмаган бўлса, император жаноби олийлари? – ўпкалангандай оғриниброқ сўради малика Антоний хаёлларини бўлиб. — Ҳеч нарса кўнгилларига маъқул келмадими? Нимани истасалар олишлари мумкин...

Маликанинг шикаста овози унинг ҳушини ўзига келтирди. Ўша овозда ҳам ғаройиб сирли сеҳр мужассам эди:

—Ҳм-м... Нимани истасам ҳам...ми?.. Нимани истасам, а... Ҳайхот!.. – маънодор жилмайди триумвир маликадан кўзларини олмай. Унинг бежо кўзларида буюк бир илтижо отиламан, деб турарди. – Нимани истасам ҳам... а?..

Орага бироз жимлик чўкди.

— Нимани истасалар ўзлариники! – жилмайди Клеопатра дастурхонга бир қараб қўйиб. – Олсинлар! Ҳатто шу кеманинг ўзини ҳам...

— Йўқ... Ҳеч нарса... Мен... топадиганимни топдим! Мен фақат... фақат... сизни хоҳлайман!.. Сизни, эй Нил нозанини, Нил соҳилида ўсиб камолга етган соҳибжамол! Менга сиздан бошқа ҳеч нарса керакмас! — деб юборганини билмай қолди Антоний!

“Нималар деяпсиз? Шу гапларингиз ростми?..” — дегандай ҳайратланди малика. У гўё Антонийнинг шундай дейишини кутиб тургандай эди...

Триумвир ва малика бир-бирларига узоқ тикилиб қолдилар. Узоқ...

Сўз йўқ...

Клеопатра беихтиёр чап қўлини Антонийга узатди... Қўл қўлга текканда иккиси ҳам титраб кетди! Бу шунчаки эркак ва аёл эмас, балки дунёнинг мазмун-моҳиятини ўзида мужассам этган икки ибтидо — икки хилқат эди. Иккиси ҳам бир-бирига талпиниб интиларкан, тезроқ кул бўлмоқ ниятида ички бир ўтда ёнмоқни истар, кўзларида ишқ олови учқунлари чақнарди. Улар бамисли молихулиё[4] дардига учраганга ўхшардилар, ўхшайдиларми ёки шундай туюлмоқдами? Эс-ҳуш ҳам онг сарҳадидан нарига ўтиб кетган, ҳозир нима қилаётганларига сира ақллари етмасди, бири Исида, бошқаси Дионис эса-да, ўзларининг тутумларини инсонлик даражасидан чиқмаган, деб ҳисоблашарди. Улар меҳмонхонанинг тўрисига қараб юрдилар ва ясатилган Дионис хонаси томон бурилдилар...

---

[1]Эрот – севги ва эҳтирос худоси

[2]Харита, нереида – эзгулик маъбудалари, нимфалар.

[3]Туника – қопга ўхшаш, бош ва қўллари чиқиб турадиган авра кийим.

[4]Молихулиё – тушкун руҳий ҳолат касали.

МЕРОС

ТЕРМИЗИЙЛАР ХАЗИНАСИ...

Маълумки, ислом оламининг мўътабар ва улуғ алломаларидан бири бўлган Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий ҳазратлари Шарқ оламининг беназир мутафаккири сифатида эътиборлаб келинади. Бу зоти шарифнинг асарлари бугунги кунда ҳам мусулмон давлатлари дорилфунунларида дарслик сифатида қўлланилади.



Ҳазратнинг Шеробод туманидаги қадим Буғ қишлоғида абадий қўним топган жойлари собиқ иттифоқ даврида кўримсиз ва хароба бир гўша эди. Мустақиллик йилларида қайта таъмирланиб, муҳташам зиёратгоҳга айланди. Алломани ҳадис илмининг етук билимдони эканлиги, айниқса, пайғамбаримиз ҳадисларини тўплашда тутган йўллари ислом оламида машҳур қилди. Ва энг ишончли манбаларни жамлашда буюк ҳадисшунослар қаторидан муносиб жой олди.

Абу Исо ат-Термизийнинг илму салоҳиятига устози Имом Бухорийнинг қуйидаги гаплари ҳам далил бўлади: **“Сен мендан баҳра топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра олдим”**. Устоз ва шогирд ўртасидаги меҳр-оқибат занжири шу қадар мустаҳкам бўлганки, тарихий манбаларда қайд этилишича, Имом Бухорий қазо қилганларида, имом Термизий қаттиқ азият чекиб, йиғлаганларидан у кишининг кўзлари кўр бўлиб қолган экан.

Улуғ алломанинг бизга қолдирган маънавий меросини ўрганиш ва тадқиқ этиш ишларини йўлга қўйиш мақсадида Президентимизнинг 2017 йил 14 февралда “Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори қабул қилинди. Қарор ижросини таъминлаш мақсадида Термиз шаҳрида шарқона меъморий ансамбли қисқа вақт ичида бунёд этилди.

Давлатимиз раҳбари томонидан яратилган қулайликлар, кўрсатилган ғамхўрликларга жавобан халқаро илмий-тадқиқот марказида қандай ишлар амалга оширилаётганлигини билиш учун марказнинг илмий ходими, исломшунос олим, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори Жўрабек Чўтматов билан суҳбатлашдик.

— Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказининг бунёд этилиши воҳа аҳлига жуда катта маънавий туҳфа бўлди. Биз ҳам нафақат юртимиз, балки ислом олами илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса қўшадиган, дунё илмида мустаҳкам асосга эга бўладиган муассаса сифатида шакллантиришга қатъий бел боғлаганмиз. Марказнинг энг асосий йўналишларидан бири, Термизий алломалар меросини чуқур ўрганишдир. Айниқса, Имом Термизийнинг “Сунани Термизий” китоблари турли даврларда юзлаб атоқли олимлар, шайхлар ва авлиёлар томонидан тафсир этилган. “Менинг учун Термизийнинг китоби Бухорий ва Муслим китобларидан кўра фойдалироқ бўлди. Чунки Бухорий ва Муслимдан фақат илм аҳлигина истифода этади. Термизийдан эса ҳар киши фойдаланиши мумкин”, дейди шайхул ислом абу Исмоил Абдуллоҳ ал Ансорий “Табоқат ус-суфия” китобида.

Бугунги кунгача марказ олимлари Термизийлар ҳаёти ва ижодига бағишланган ўндан ортиқ нодир китобларни араб тилидан ўзбек тилига таржима қилиб, нашр эттирди. Бизнинг олдимизда мамлакатимизда, хорижий давлатларнинг кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланаётган Термизий алломалар асарлари нусхаларини ҳамда улар ҳақида битилган китобларни тўплаш баробарида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш вазифаси турибди.

2018 йилда марказимиз Ҳаким Термизийнинг ҳали ўрганилмаган Қуръон тафсирига оид араб тилидаги асарини Туркиянинг Бурдур шаҳридан ксеро ва электрон нусхаларини келтиришга муваффақ бўлган эди. Бугунги кунда ушбу асарни тадқиқ этиш ишлари якунланиш арафасида эканлигини мамнуният билан қайд этишимиз мумкин.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистонга оид хориждаги маданий бойликларни тадқиқ этиш маркази Ҳаким Термизийнинг Туркия давлатидаги Исмоил Соиб кутубхонасидан келтирилган бир қанча қўлёзмаларининг электрон нусхаларини халқаро илмий-тадқиқот марказимизга тақдим этди. Булар “Риёзат ун-нафс” (Нафс риёзати), “Байан ал-илм” (Илм баёни), “Масъала фий ан-нийа” (Ният масаласи), “Масъала фий зикр ал-мунфаридин” (Олий даражали валийлар зикри ҳақида масала), “Баб фоидат азизат важизат” (Қисқа ва фойдали боб), “Жавоб китоб Усмон ибн Саъид мин ар-Рай” (Усмон ибн Саиднинг Райдан келган мактубига жавоб), “Ал акйас ва ал муғтарин” (Зийраклар ва алданганлар), “Ал фарқ байн ал айат ва ал карамот” (Оят, мўъжиза ва каромат орасидаги фарқ), “Китоб ал-ҳуқуқ” (Ҳақлар ҳақида китоб), “Масоил ат-таъбир” (Таъбир масалалари), “Манозил ал ибод минал ибода” (Бандаларнинг ибодатдаги манзиллари) каби ноёб асарлардир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жамоамиз Термизийлар асарларини нафақат ўзбек тилида, агар ислом дунёсида муҳим янгилик бўлса, араб тилида нашр этишни ҳам мақсад қилган. Олимларимиз ушбу асарлар устида тадқиқот олиб боришмоқда. Марказимиз Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда тайёрлаган “Термизлик олимлар асарларининг жаҳон фондларидаги қўлёзмалари каталоги”да дунёнинг 44 мамлакатида сақланаётган Термизий алломаларнинг кўплаб қўлёзмалари ҳақида маълумотлар тўпланди. Бугунги кунда марказимиз ушбу нусхалар сақланаётган хорижий илмий-тадқиқот муассасалари билан музокаралар олиб бормоқда, — дейди Жўрабек Чўтматов.

Дарҳақиқат, Президентимиз ташаббуси ва сайъ-ҳаракатлари билан улуғ аждодларимизнинг ибратли ҳаёти, маънавий меъросини чуқур ўрганувчи халқаро илмий-тадқиқот марказлари буюк аждодларимизнинг дунё бўйлаб сочилиб ётган ўнлаб, юзлаб маънавий хазиналарини излаб топиб, яна уни халқимизга тортиқ этаётгани игна билан қудуқ қазишдан-да қийин иш эканлигини Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази жамоаси фаолияти билан танишганимизда кўриб, амин бўлдик.

Марказ томонидан ўтган уч йил давомида олиб борилган илмий-тадқиқотлар, араб, форс тилидан ўзбекчага моҳирлик билан ўгирилган асарлар, ёзилган янги китоблар, миллий маънавий меросимиз борасидаги тарғибот-ташвиқот ишлари таҳсинга лойиқдир. Аслида ҳам, буюк алломалар илмий меросини ва қийматини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Шу қатори, Термизийлар хазинаси, бизга қолдирган мероси ҳам дунё қадар боқий ва туганмасдир...

Сафар ОМОН,
“Hurriyat” мухбири.

ТАЛҚИН

“Ҳар қандай янгилик – унутилган эскиликдир” деган гап аслида ҳақиқат. Масалан, кейинги пайтда “селфи” деган сўз истеъмолга кириб келди ва ёшларимиз унинг туб маъносини билиб-билмай ўз-ўзини турфа йўсинда суратга олиб, миллий менталитетимизга ёт ажабтовур қилиқлар қилиб қўйишмоқда ва натижада ҳақли равишда ота-оналар, педагоглар, миллат ойдинлари, умуман олганда, ёшу кекса илғор зиёлилар томонидан қаттиқ танқидга учраётгани ҳам бежиз эмас.

БУЮК АДИБНИНГ ЯНА БИР СИРИ



Гапнинг индаллосини айтганда, жаҳон адабиёти намояндаси, буюк шахс ва адиб Лев Толстой ҳам ўз даврида селфи олган экан. Лекин унинг бу уриниши зинҳор-базинҳор бачкана эмас, балки моҳир қаламкашнинг мусаввирона иқтидорини намоён қилган. Бунга кўриб турганингиз – ушбу тарихий суратнинг ўзи гувоҳлик беради: “1862 г. (й.)”, “Самъ себя снялъ” (ўша пайтдаги рус имлоси қоидасига кўра, айириш белгилари тўғри қўйилган. Мазмуни: “Ўзимни ўзим суратга олдим”), “Гр. Л.Н.Толстой”, яъни “гражданин (фуқаро) Л.Н.Толстой”, “Фотография Ясной Поляны” (“Ясная Полянадан фотосурат”) каби сана ва сўзлар ушбу тарихий фотосурат гирдига ўшанда 34 ёшда бўлган навқирон ёзувчининг ўз қўли билан ёзилган.

Маълумки, Ясная Поляна – Россиянинг Тула вилоятидаги Шекин туманида жойлашган гўзал маскан, машҳур қўрғон. Бу жойнинг ном қозонишига сабаб шуки, бу ерда 1828 йил 28 августда Лев Николаевич Толстой туғилди, яшади ва ижод қилиб, дунёга танилди ва киндик қони томган гўшани ҳам дунёга танитди. Бу ердаги улуғ адибнинг қабри ва давлат қарамоғидаги қўрғонча музейдан одамлар оёғи узилмайди: дунёнинг турли бурчакларидан зиёрат қилишга келган минглаб адабиёт ихлосмандлари Лев Толстой ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ тарихий осори атиқалар билан яқиндан танишадилар ва ... албатта селфига ҳам тушадилар.

Энди ўзингиз холисона баҳоланг ва айтинг, XIX аср ўрталаридаги бу маънавий ҳодиса, яъни ўзини ўзи тарихга муҳрлаган буюк адиб Лев Толстойнинг ушбу тарихий сурати билан бугунги ёшлар “кашф қилган” селфи ўртасида қанчалик тадрижий тафовут бор?

Шундай ўй-хаёллар оғушида Лев Толстойнинг ўзидан жавоб излайман. Не ажабки, буюк адиб бисотида ҳар қандай мулоҳазага аниқ-тиниқ муносабат билдирилишига ўрганиб қолганмиз. Бу гал ҳам шундай бўлди. Бу саволимга шундай толстойона жавобни топдик: “Бизда минглаб йиллар давомида миллиард-миллиард одамлар орасидан етишиб чиққан буюк донишмандлар тафаккурининг шундай асл мевалари мавжудки, бу буюк инсонларнинг ақл дурдоналари вақт синовига чидаш бериб, ғалвирдан ўтиб келмоқда. Ўртамиёна нарсаларнинг бари итқитиб ташланиб, фақат ўзига хос, теран, зарур нарсаларгина қолган...”.

Бунга нима қўшимча қилиш мумкин? Бизнингча ҳеч нима! Демак, бу донишмандона фикрга қўшилиш жоиз. Шундай эмасми?!

Дарҳақиқат, “ўртамиёна”, айниқса, бачкана нарсалар итқитиб ташланиши керак.

Сафар ОЛЛОЁР,
Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходими.

1-б.

ТАРИХНИНГ ОҚАРМАГАН СОЧЛАРИ

ёки уй-музей очишнинг муздай ташвишлари

Россиядаги энг қадимий уй-музей – машҳур композитор, дирижёр, мусиқа танқидчиси П.И.Чайковскийнинг давлат уй-музейидир. Жаҳондаги илк музей эса эрамизгача 290 йилда Миср подшоси Александр Птолемей томонидан ўқув даргоҳи сифатида яратилган.

Россия-ку, майли, мамлакатимизда бу борада аҳвол қандай? Статистик маълумотларга кўра мамлакатимизда музейлар сони 100 та бўлиб, уларда 2065,7 экспонат ўрин олган. Ўтган йили музейларга саккиз юз мингга яқин томошабин ташриф буюрган, шулардан 3497,4 нафари ўқувчи ва талабалардир. Биз умумий музейлар ҳолати эмас, балки уй-музейлар ҳақида мулоҳазамизни давом эттирамиз.

Ҳа, бутун дунёда бўлгани каби машҳур инсонларнинг, давлат арбоби, санъаткор ва ижодкорларнинг уй-музейлари Тошкентда ҳам фаолият юритади. Улар нимаси билан қизиқарли ёки давлат ва жамият аҳамиятига молик? Уй-музей очиш машҳурларнинг оила аъзолари учун имижми, буюк инсонлардан қолган буюм ва ашёларни асраб-авайлашми ёки келгуси авлод учун тарихий дарсхонами? Бу саволларга мамлакатимизда фаолият юритаётган музейлар жавоб бера оладими? Бугун мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Анна Ахматова, Сергей Есенин, Сергей Бородин каби шоир ва ёзувчиларнинг, Мухтор Ашрафий, Тамарахоним, Ўрол Тансиқбоев, Йўлдош Охунбобоев каби тарихий шахсларнинг уй-музейлари бор. Дарвоқе, уларнинг асосий қисми ўтган асрнинг охирги чорагида очилган. Хўш, ундан кейин-чи, ўзбекдан буюклар чиқмадими? Ўтаётган даврга тарихий муҳр вазифасини ўтовчи музейлар нега барпо этилмаяпти? Ёки аср ўз буюк фарзандларини тан олмайдими? Орадаги янги 40-50 йил бўшлиқ палласими? Ўзининг ўзбек адабиёти ва маданиятига қўшган бемисл ҳиссаси билан улуғ кишилар сафида эъзозланишга, ўрганилишга муштоқ ижодкору санъаткорларимизни номма-ном санаб ўтиш мумкин.

XX ва XXI асрнинг машҳур шахсларидан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Ҳалима Худойбердиева, Тоғай Мурод, Шукур Холмирзаев, Одил Ёқубов, Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддиновларнинг уй-музейлари очилса, ҳар бири асрлар учун мангу сабоқ бўлади. Ёки вилоятларда яшаб ҳассос ижод қилган ижодкорларимиз Матназар Абдулҳаким, Садриддин Салим Бухорий, Тилак Жўра, Ибройим Юсупов, Тоғай Мурод, Тўра Сулаймонларнинг қолган қўлёзмалари, китоблари, буюмлари фақат оила аъзолари учунгина қадрли мулк сифатида бир бурчакда қолиб кетмаслиги керак. Бир одамнинг ёки оиланинг мулки сифатида қаралган бойлик бир кун изсиз йўқолиши тайин. Зотан уларнинг ҳар бир ашёси миллатнинг мулки, миллатнинг бойлигидир. Улар давлат томонидан муҳофаза қилиниши шарт.

Москвада таҳсил олган йилларимиз давомида жуда кўп уй-музейларига ташриф буюрганман. Улар орасида Пушкин, Лермонтов, Горький, Гоголь, Чехов, Есенин, Марина Цветаева, Лев Толстой, Кумуш аср музейлари бор. Эътиборимни тортгани бу музейлар ҳамиша гавжум, экспонатлар ўзига хос. Дейлик, Пушкин уй-музейидаги шоирнинг карта четларига ёзилган шеърлари ғаройиб бўлса, Кумуш аср музейининг символистик кўриниши, Футуристлар музейидаги Шеърият кечасига ташриф буюрганларга бир бокал пиво текин тарқатилиши эълон қилинган афишалар, Есенин музейида эса экспонат сифатида сақланаётган Эркин Воҳидов таржимасидаги Сергей Есениннинг “Форс тароналари” китоби диққатимни тортган. Марина Цветаеванинг шинамгина уйи, унинг деворлари шеърий сатрларга тўлиб кетганлиги, шоира столи устидаги Наполеон ҳайкалчаси ҳайратга чоғлайверади. Бу эса бутун дунё сайёҳлари ва Россия аҳолисининг маънавий ибодатхонасига айланиб кетган.

Бугун бизда ҳам яшаган, яшаб ўтган шоирларимизнинг турмуш ўртоқлари ёки фарзандлари ҳужжат кўтариб идорама-идора сарсон юрганлиги ҳақида бот-бот эшитиб қоламан. Аслида буюк инсоннинг миллат учун улкан бир бойликни қолдириб кетгани камдек яқинлари ҳа уй-музей очиш ҳақидаги ташвиш билан елиб-югурса, идорама-идора саргардон бўлса... Ахир бу музей келажакдаги фақат ўша шоир ёки санъаткорнинг оила аъзолари учунгина асқатмайди-ку.

— Россияда, Киевда, Тбилисида бир-бирига асло ўхшамайдиган музейларни томоша қилганман, — дейди ёзувчи ва таржимаон Маъсума Аҳмедова. – Айниқса, Санкт-Петербургда Пушкин уй-музейи ҳамиша кўз олдимда турибди. Александр Сергеевич оламдан ўтганида унинг соати ўша лаҳзаларда тўхтаган. Сақланаётган бир тола сочи ҳам диққатни тортади. Грузияда машҳур шоир, ёзувчи, таржимон ва сиёсатчи Чавчавадзе уй-музейининг ўзига хос қурилиши, қўрғоннинг муҳташам кўриниши билан ҳозиргина танишгандайман. Хотираларим эскирмаган. Достоевский уй-музейи ғаройиблиги билан эсимда қолган. Муҳими, улар бор, миллат бойлигининг тимсоли сифатида бутун дунёга хизмат қиляпти.

Бугун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Муроднинг асарлари жуда кўп тилларга таржима қилинмоқда. Агар кун келиб бошқа мамлакатлардан сайёҳлар келса, ёзувчининг мухлислари унинг музейини кўришни истаса, нимани кўрсатишимиз мумкин деб ўйлайман. Музейлар халққа тарихдан гапирувчи энг билимдон, энг доно нотиқ вазифасини ўтайди.

Ҳа, бу музейлар очилишини фақат шоир-ёзувчига дахли бўлганлар эмас, унинг асарларини билган ҳар бир ўқувчи истайди. Бироқ музейлар ҳанузгача очилмаяпти. Ёки шоир Тилак Жўрани ҳаммамиз яхши биламиз. У 1947 йилда Қоракўл туманининг Сайёд қишлоғида таваллуд топган. Шоир атиги 47 йил – қисқа умр кўрган бўлса ҳам, унинг шеърий китоблари, таржималари, илмий мақолалари ўзбек адабиётининг бўлинмас хазинасига айланиб улгурган. Тилак Жўра телеграм каналидаги маълумотларга асосланадиган бўлсак, Қоракўл туманида жами 52 та умумтаълим мактаби фаолият юритиб, уларнинг ўндан ортиғи ўз ўқувчилари билан Тилак Жўранинг Сайёд қишлоғидаги уйига ташриф буюришган, шоирнинг уйи, буюмлари, ашёлари, кутубхонаси ҳақида маълумотга эга бўлишган. Ўқувчилар бориб кўрган уй аслида музей тариқасида фаолият олиб борса ҳамма учун рағбатланарли эмасми?! Унинг уй-музейини очиш учун кимдан ёки қаердан буйруқ кутиш лозим?

Музейлар – тарихнинг оқарган сочларидир, деган эди улуғлардан бири. Бунга қўшимча “Музейлар тарихнинг оқармаган сочи” дейиш ҳам мумкин. Уларда миллатнинг тарошланмаган деворлари, гард юқмаган қалби, озорланмаган ашёлари ва мангу тирик хотираси яшайди. Улар табиий бойлигимиз монанд хазинамиз. Чунончи, тарихий ҳужжатларнинг энг табиийси музейлардир. Биз бугун электрон аср қаршисидаги бир авлодни тарбия қилаяпмиз. Тунов куни ўқиб қолдим. Унда кимлардир ҳатто китоб, газета-журналлар сингари музейларни ҳам электрон шаклга ўтказишни таклиф қилишмоқда. Негадир юрагим бир қалқиб кетди. Худо сақласин! Ахир, янги тарихимиз электрон кўринишда давом этса, бутун тараққиёт инсон қалби, тафаккурига эмас, битта тугмага дохил бўлиб қолишини унутмайлик! Эртага битта тугмача орқали завол топиши мумкин бўлган электрон музейларга кунимиз қолмасин! (Ёқангизга туфлаб қўйинг) Инчунун, уй-музей қилишнинг ташвиш ва машаққатлари муздеккина бўлса ҳам унга бугун эришайлик!

Гўзал БЕГИМ.

РАССОМ ХАНДАСИ

Интернет тармоғидан олинди.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 5002
Буюртма — Г-650
1 2 3 4 5 6
Топширилиш вақти — 21^{00}
Топширилди — 00^{10}

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ.Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.